

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI  
VAZIRLIGI A.QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX  
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**

**“O'ZBEKISTON TARIXI” KAFEDRASI**

**Tarix fakulteti IV kurs tolibi  
Ashurov Farrux**

**“Tasdiqlayman”  
Tarix fakul'teti dekani v/b:  
\_\_\_\_\_ dots.A.Tangirov  
«\_\_\_»\_\_\_\_\_ 2011 yil**

***BITIRUV MALAKAVIY  
IShI***

**Mavzu: Movarounnahrda IX-XII asrlarda hunarmandchilikning  
rivojlanishi**

**Ilmiy rahbar:**

**t.f.n.dots.A.Pardayev**

**Taqrizchilar:**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Ushbu BMI “O'zbekiston tarixi” kafedrasining «\_\_\_»\_\_\_\_\_dagi  
«\_\_\_»\_\_\_\_\_sonli majlisida muhokama qilingan va himoyaga tavsiya etilgan

Jizzax – 2011

# **Mavzu: Movarounnahrda IX-XII asrlarda hunarmandchilikning rivojlanishi**

## **R e j a:**

Kirish

### **I-BOB: Movarounnahrda IX-XII asrlardagi siyosiy jarayonlar va uning hunarmandchilik rivojiga ta'siri**

1.1.Somoniylar davlati davridagi asosiy hunarmandchilik shaharlari.

1.2.Qoraxoniylar davrida Movarounnahrda hunarmandchilik va savdo-sotiqning rivojlanishi.

### **II-BOB: IX-XII asrlarda Movarounnahrda hunarmandchilikning asosiy turlari va rivojlanish omillari**

2.1.IX-XII asrlarda Movarounnahrda hunarmandchilikning asosiy turlari.

2.2.IX-XII asrlarda Movarounnahrda hunarmandchilikning rivojlanishidagi asosiy omillar.

### **III-Bob: Mavzuni o'quvchilarga urgatishda "Blits so'rab bilish" tanqidiy tafakkur va "Test" usuli texnologiyalaridan foydalanish**

Xulosa

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

Mundarija

## Кириш

Мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг тезкорлиги, воқеа ва ҳодисаларнинг шиддатлилиги, оламу одам тақдирига даҳлдор бўлган дунёвий муаммолару серқирра ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган умумий қарашларимиздан тортиб, энг кичик, энг шахсий юмушларимизгача бўлган барча ҳодисаларни ўзида мужассам этади. Мудроқ босган туйғуларимизни жунбушга келтиради. Бошқача қилиб айтганда ҳаётга теранроқ қарайдиган бўлдик, ўзлигимизни англай бошладик.

Табиийки, бундай ҳаётий зарурият барча ижтимоий-гуманитар фанлар қатори тарих фани олдига ҳам янги вазифалар кўяди. Тадқиқотчилар биринчи навбатда халқнинг истиқлолга эришиши йўлидаги фидойи меҳнатини, миллий мустақилликка эришиш йўллари ва воситаларини, миллий давлатчилик қурилишига сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий омилларини ўрганиш ва миллий истиқлол мафкурасини яратиш каби бир қатор муҳим муаммоларни ҳар томонлама мушоҳада қилмоқлари лозим. Дарҳақиқат, ўрганишга, тадқиқ этишга, дастлабки илмий-назарий хулосаларни ўртага ташлашга асос бор.<sup>1</sup>

Шу маънода мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошида “Ўзбекистоннинг янги тарихи” Марказини ташкил қилиш тўғрисида чиқарган Фармойиши катта тарихий ва сиёсий аҳамиятга эга.

Ўрта Осиё халқлари тарихига тегишли умумий мавзулар ва илмий муаммоларнинг мавжудлиги маълум. Улар энг қадимги даврлардан бошлаб аждодларимиз тарихи ва маданияти билан узвий боғлиқдир. Кўпдан-кўп тарихий вазиятларда кўшни халқларни умумий маданий ва этник илдизлар бирлаштириб, уларнинг тарихий тақдири бир-бирига узвий боғланган. Қадимги даврлардаёқ турли шеваларда гаплашган

---

<sup>1</sup> Н.Жўраев, Т.Файзуллаев. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т., “Шарқ”, 2000, 3-бет.

кабилалар ва элатлар умумий тарихий-маданий анъаналарга эга бўлиб, антропологик ва этник жиҳатдан улар кўп ҳолларда қон-қариндош бўлганлар. Бу элатлар туб аҳоли бўлиб, ҳеч қаерга изсиз ёқолиб кетмаган ва Ўрта Осиё халқлари аجدодларининг йирик гуруҳларини ташкил қилган.

Жумладан, Мовароуннаҳр тарихига тўхталадиган бўлсак, IX-XII асрларда мамлакатда ҳунармандчилик катта ўрин тутган. Мовароуннаҳр ва Хоразм шаҳарларида тўқимачилик, кулолчилик, дегрезлик, чилангарлик, мисгарлик, заргарлик, шишагарлик ва дурадгорлик анча ривож топади. Айни вақтда шаҳарларнинг меъморий қиёфаси ҳам ўзгара борди. Маҳобатли сарой, масжид, мадраса, намозгоҳ, хонақоҳ ва қарвонсаройлар ҳамда устахоналар қад кўтарди. Шаҳарлар кенгайиб илк ўрта асрларда вужудга келган арк (ўрда), шахристон (ички шаҳар) ва рабод (ташқи шаҳар) ягона девор билан ўраб олинди, шаҳар дарвозаларининг сони ҳам кўпайди. Шаҳарнинг дўнглик ерида жойлашган аркида одатдагидек подшоҳ ёки ҳоқимнинг қароргоҳи (даргоҳ), хазина, чақа-тангалар сўқиладиган зарбхона ва қамоқхона бўларди. Шаҳар марказида Регистон майдони, девонлар, маҳкама саройи, шунингдек амирзодалар, сарой аъёнлари, руҳонийлар, мулкдор деҳқонзодалар ва давлатманд савдогарларнинг ҳашаматли қасрлари, подшоликнинг қурол-яроғ, асбоб, эгар-жабдуқ ясайдиган устахоналари, ҳунармандчилик дўконлари ва савдо расталари жойлашган эди. Шаҳарлар кенгайиб, уларнинг гирди бўйлаб қосиб ва ҳунармандларнинг янги-янги маҳалла-қуйлари, бозор ва расталар вужудга келади. Маҳалла-қуйларда заргар, сарроф, тўқувчи, кулол, мисгар, темирчи, дурадгор ва бошқа ҳунармандларнинг уй-жойлари ва дўконлари бўларди. Айни шу даврда Бухоро, Самарқанд, Кўхна Гурганж, Марв, Бинкат, Кеш, Насаф, Ах-сикат каби шаҳарлар ўрта аср ҳунармандчилигининг ривож топган йирик марказига айланади.

Наршахийнинг ёзишича, IX асрда Бухоро арки ёнида подшоликка карашли «Байт ут-тироз» катта тўқимачилик корхонаси бўлган. Унда кимматбаҳо рангли мато, палос, дарпарда, ёстик жилди, жойнамоз ва уст кийимликлар тўқилган. Самарқандда кўпроқ, мисгарлик заргарлик ва саррожлик ривожланган эди. Турли матолар, кимхоб, шойи ва румоллар тўқилар, юқори навли қоғоз ишлаб чиқарилар эди. Шош ўзининг кунчилиқ маҳсулотлари ва чарм буюмлари билан, Илоқ эса кумуш ва кўрғошин конлари ҳамда кумуш танга чиқарадиган зарбхонаси билан машҳур эди. Мовароуннахрнинг хўжалиқ ҳаётида Хоразм ҳам катта роль ўйнайди. Бу ерда хунармандчилиқнинг бошқа соҳалари қаторида қайиқсозлик тараққий қилади. Хоразм ва Термизда ясалган қайиқларда Амударё бўйлаб муттасил юк ташилган.

Бу даврда хунармандчилиқнинг айрим соҳалари йирик кишлоқларда ҳам ривож топди. Бухоронинг Зандана кишлоғида тўқилган «занданача» малла ранг бўз, Самарқанднинг Вадор кишлоғида тайёрланган «вадорий» матоси Шарқда машҳур ва манзур эди<sup>2</sup>.

Хунармандчилиқ маҳсулотларининг кенг миқёсда ишлаб чиқарилиши билан бир қаторда улар муайян деҳқончилиқ воҳасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий марказ вазифасини ҳам бажарган. Қолаверса, “..деҳқончилиқ воҳаларининг даштликлар чегарада жойлашган бу манзиллари кўчманчилар билан олиб борилган савдо-сотикда ҳам муҳим ўрин тутган. Айнан ушбу марказлар орқали чорвачилиқ маҳсулотларининг каттагина қисми мамлакатнинг ичкари ҳудудларига кириб борган”.

Зарафшон дарёсининг чап соҳилидаги ҳудудларда ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин. Жумладан, савдо-транзит йўллар тизимининг “Шоҳроҳ” йўналишида Зермон, Рабинжон, Дабусия каби шаҳарлар тармоғи ривож топган бўлса, дарёнинг юқори оқимида Ривдод, Варагсар ҳамда

---

<sup>2</sup> Карим Шониёзов. “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни”. Т., “Шарк”, 2001, 266-бет

илк ўрта асрлар даври меъморчилиги ва ҳунармандчилик соҳалари тараққиёти жиҳатидан Сўғд цивилизациясининг намунали (эталон) ёдгорлиги ҳисобланган Панжикент каби йирик марказлар ҳам юксалади. Бу каби марказлар ўрта асрларда вужудга келган Самарқанд Сўғди рустоқларининг маъмурий марказлари сифатида йирик шаҳарларга айланган. Тадқиқотлар бу каби рустоқлар ўн иккита бўлганлиги, улардан олтитаси – Ёркет, Бурнамад, Бузмажен, Кабуданжакет, Вадор ва Марзбон – Зарафшон дарёси ўнг соҳили(шимоли)да, қолган олтитаси – Панжикент, Варагсар, Маймурғ, Санжарфиғон, Дарғом ва Абгор эса дарёнинг сўл соҳили(жануби)да жойлашганлигини кўрсатади. Археологик тадқиқотларга кўра, Самарқанд Сўғдининг Зарафшон дарёси чап соҳилида мазкур даврга оид 179 та ёдгорлик аниқланган.

Бухоро Сўғдида ҳам мазкур даврда ёдгорликларнинг турли гуруҳи ривож топади. Тадқиқотлар аҳоли ўтrockлашуви ва урбанизацион жараёнлар тез суратларда ривож топганлигини кўрсатади. Таҳлилларга кўра, бу жараённинг асосий марказлари айнан савдо-транзит йўлларида жойлашганлигини кўрсатади. Хусусан, мазкур даврдаги Бухоро Сўғдининг Бухоро, Пойкенд, Кармина Тавовис, Фороб каби йирик ҳунармандчилик ва савдо марказлари халқаро савдо-транзит йўли тизимининг араб манбаларида “Шоҳ-роҳ” номини олган тармоғида юксалади. Шунингдек маҳаллий ҳукмдорларнинг Варахша ва Ромитон каби қароргоҳлари ҳам ушбу даврдаги йирик ҳунармандчилик марказлари сифатида ривож топади. Бу каби марказлар ихтисослашган ҳунармандчилик соҳаларининг ривож топишига замин яратган бўлса, бутун воҳада шаклланган ёдгорликларда ҳам ҳунармандчиликнинг кўпгина соҳалари кенг ёйилади. Хусусан, воҳада мазкур даврда вужудга келган ёки ҳаёт узвий давом этган 350 га яқин ёдгорликлар мавжудлиги археологик тадқиқотларга кўра аниқланган.

Аҳолининг ўтроқлашув жараёни Жанубий Сўғд ҳудудида ҳам ҳунармандчилик соҳалари ривожининг кейинги тараққиётида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ёзма манбалар ҳамда воҳада олиб борилган изчил археологик изланишлар Жанубий Сўғдда икки иқтисодий ва маъмурий ҳудуд, яъни, Қашқадарёнинг юқори оқимида, Зарафшон ва Хисор тоғ ён бағирларидан дарёнинг ўрта оқими хавзасигача бўлган шарқий ҳудудда Кеш мулки ҳамда дарёнинг қуйи оқимида қадар чўзилган хавзада Нахшаб мулки шаклланганлиги хусусида хулоса чиқариш имконини беради.

Биз ўрганаётган мавзунинг асосий вазифаларидан бири Мовароуннаҳрда ҳунармандчилик ривожига қаратилган бўлиб, Сомонийлар даврида Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳунармандчиликнинг кўпгина соҳалари бирмунча ривожланганлиги ва унинг ўзига хос асосий хусусиятларини очиқ беришдан иборатдир.

Мавзунинг долзарблиги ва муҳимлигидан келиб чиқиб, ёзма манбалар ва адабиётларда берилган маълумотлар ва уларнинг тадқиқ этиш асосида Сомонийлар даврида Мовароуннаҳрда ҳунармандчиликнинг ривожини яхлит тарзда ўрганиш БМИнинг асосий мақсади ҳисобланади. Мавзуни батафсил ўрганиш ва шу асосда назарий хулосаларга келиш асосий вазифа қилиб олинди.

## **I-БОБ: Мовароуннаҳрда IX-XII асрлардаги сиёсий жараёнлар ва унинг ҳунармандчилик ривожига таъсири.**

### **1.1.Сомонийлар давлати давридаги асосий ҳунармандчилик шаҳарлари**

IX асрдан бошлаб Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Фарғона, Шош ва Уструшона вилоятларида ноиблик қилаётган сомонийлар хонадонининг сиёсий ҳаётида ҳам аста-секин ўзгаришлар юз беради. Юртга аввал Кух, сўнгра Аҳмад бошчилик қилади. Улар ҳатто ўз номларидан мисдан чақалар зарб этадилар. Аҳмад вафотидан (865) кейин унинг ўғли Наср Самарқандни марказга айлантиради. У Бухоро воҳаси, Наҳшоб (Қашқадарё), Чагонруд (Сурхондарё) водийларидан ташқари Мовароуннаҳрнинг барча вилоятларини бирлаштириш ва уни Хуросондан ажратиб олиш чораларини қаради. Тоҳирийлар давлатининг барҳам топиши билан вазият тубдан ўзгариб, истиқлол учун қулай шароит пайдо бўлади. Чунки саффорийлар Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилишнинг урдасидан чиқа олмайдилар. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган Бухоро аҳли ҳатто саффорийларга тобе бўлишни хоҳламайди. Шаҳар зодагонлари сомонийларга мурожаат қилиб, Самарқандга—Наср ибн Аҳмад ҳузурига элчилар юборадилар. Ундан Бухорони ўз қўл остита олишни ва сомонийлар хонадонидан бир кишини Бухорога ҳоким қилиб юборишни сўрайдилар. Наср бу таклифни мамнуният билан қабул қилиб, укаси Исмоилни Бухорога ноиб қилиб юборади. Шундай қилиб, IX асрнинг охирги чорагида Мовароуннаҳрнинг деярли барча вилоятлари сомонийлар тасарруфига ўтиб, ўз мустақиллигини тиклаб олади. Ҳудди шу вақтдан бошлаб Наср ибн Аҳмад ўзини бутун Мовароуннаҳрнинг бошлиғи деб ҳисоблай бошлайди. Гарчи укалари Шош вилоятининг ноиби Ёқуб ва Фарғона ҳокими Асадлар номлари билан чақа пул зарб этиб, ўзбошимчалик қилсалар ҳам, аммо у сомонийлар



хукмронлиги тарихида биринчи бўлиб кумуш дирҳам зарб этади. Кумуш тангалар чиқариш давлат мустақиллигининг рамзи ҳисобланиб, то шу вақтгача халифалик вилоятларида фақат тоҳирийларгина бундай дирҳамни зарб этиш ҳуқуқига эга эдилар. Шундай бўлсада, Бухоро ноиб Исмоил акаси Насрга итоат қилишни истамайди. Ўзига берилган вилоятни мумкин қадар иқтисодий жиҳатдан мустақил идора қилишга интилади. Насрнинг хазинасига юбориладиган ҳар йилги солиқларни турли баҳоналар билан тўхтатиб қўяди. Ака-ука ўртасида адоват пайдо бўлиб, у 888 йилда жангга олиб келади. Жангда Наср қўшинлари тор-мор келтирилади. Шу йилдан бошлаб Исмоил бутун Мовароуннаҳрни бирлаштириб, унинг ягона хукмдори бўлиб олади.

Исмоил Сомоний ўрта асрларнинг қобилятли, серғайрат ва ниҳоятда зукко йирик давлат арбоби эди. У Мовароуннаҳрни бирлаштиргач, мустаҳкам феодал давлат тузишга интилади. У ўз ватанида барқарор тинчликни таъминлаб, уни мустаҳкамлашда хукмронлик қобилятининг ҳамма нозик хусусиятларини ишга солади. Аввало катта қўшин тўплаб, кўчманчилар даштига аскар тортади. 893 йилда Тароз шаҳрини фатҳ этиб, даштликларга қақшатқич зарба беради. Бу Сомонийлар даврида кўчманчиларга қарши қилинган охирги катта юриш эди. Натижада кўчманчи қабилаларнинг Мовароуннаҳр вилоятларига бўлган узлуксиз босқинлари бардам топиб, ўтроқ, аҳоли эндиликда воҳалар атрофи бўйлаб юзлаб километрга чўзилган мудофаа деворлари-ю, сон-саноксиз қалъаларни бино қилиш ва уларни муттасил таъмирлаб туришдек оғир ва машаққатли меҳнатдан ва ташвишдан фориғ бўлади. Худди шу даврдан бошлаб, 300 км дан ошиқроқ масофада Бухоро воҳасининг атрофини ўраб турган қадимий мудофаа иншооти Кампирўк деворининг ҳар йилги одатий ҳашари ҳам тўхтатилиб, у қаровсиз қолдирилган. Наршахийнинг ёзишича, Амир Исмоил ўзининг кучли

кушинларини назарда тутиб, “Токи, мен тирик эканман, Бухоро вилоятининг девори мен бўламан”, деб айтган эмиш.

Сомонийлар даврида Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳунармандчиликнинг кўпгина соҳалари бирмунча ривожланган бўлсада, аммо бу ҳудудлар қишлоқ хўжалиги мамлакати эди.

Мазкур даврда Самарқанд савдогарлар шаҳри сифатида манбаларда кўп маротаба тилга олинади. Сўғднинг мазкур даврдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий маркази сифатида айнан Самарқанд шаҳри Ғарб ва Шарққа жўнатилган йирик савдо қарвонларининг ташаббускори ҳам бўлган. Қолаверса, “Суй Шунинг география бўлимида қайд этилишича, “..асосий қарвон йўли Тянь Шаннинг шимол томонидан ўтганлиги боис биринчи нуқта сифатида Турфон воҳасидаги Гаочан (шаҳри) олинган эди. Иккинчи асосий нуқта Кан, яъни Сўғднинг бош ва энг бой кенти Самарқанд бўлган”. Самарқанддан шарқий йўналишда Чоч ва Фарғона орқали Шарқий Туркистон ва Хитойга, жанубий йўналишда Тоҳаристон ва Ҳинд воҳаларига, ғарбий йўналишда эса Эрон, шимолий йўналишда Кавказ ва Қора денгиз соҳиллари ўлкаларига борадиган савдо-транзит йўлларида йирик ҳунармандчилик ва савдо марказлари ривож топди.

Чочга кетувчи йўллар тизимида, Зарафшон дарёсининг ўнг соҳилида Самарқанд Сўғдининг Кабуданжакет, Баркат, Хушуфағн сингари мустақкам ҳимояланган йирик савдо марказлари мавжуд бўлган. Шубҳасиз, бу марказлар биринчи навбатда тижорат жараёнларига тортилган бўлиб, аҳолининг асосий хўжалиги савдо-сотик ҳамда ҳунармандчилик шунинг билан бирга хизмат кўрсатиш соҳаларидан иборат бўлган. Шунингдек, воҳада бир қатор – Навкат, Иштихон, Вадор, Кушония каби йирик ҳунармандчилик марказлари ривож топган ва бу ҳудудларда тайёрланган маҳсулотлар кўшни ўлкалар маданий тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Ҳунармандчилик маҳсулотларининг

кенг миқёсда ишлаб чиқарилиши билан бир қаторда улар муайян деҳқончилик воҳасидаги ижтимоӣ-иқтисодий ва маданий марказ вазифасини ҳам бажарган. Қолаверса, “..деҳқончилик воҳаларининг даштликлар чегарада жойлашган бу манзиллари кўчманчилар билан олиб борилган савдо-сотикда ҳам муҳим ўрин тутган. Айнан ушбу марказлар орқали чорвачилик маҳсулотларининг каттагина қисми мамлакатнинг ичкари ҳудудларига кириб борган”<sup>3</sup>.

Зарафшон дарёсининг чап соҳилидаги ҳудудларда ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин. Жумладан, савдо-транзит йўллар тизимининг “Шоҳ-роҳ” йўналишида Зермон, Рабинжон, Дабусия каби шаҳарлар тармоғи ривож топган бўлса, дарёнинг юқори оқимида Ривдод, Варагсар ҳамда илк ўрта асрлар даври меъморчилиги ва ҳунармандчилик соҳалари тараққиёти жиҳатидан Сўғд цивилизациясининг намунали (эталон) ёдгорлиги ҳисобланган Панжикент каби йирик марказлар ҳам юксалади. Бу каби марказлар ўрта асрларда вужудга келган Самарқанд Сўғди рустоқларининг маъмурий марказлари сифатида йирик шаҳарларга айланган. Тадқиқотлар бу каби рустоқлар ўн иккита бўлганлиги, улардан олтитаси – Ёркет, Бурнамад, Бузмажен, Кабуданжакет, Вадор ва Марзбон – Зарафшон дарёси ўнг соҳили(шимоли)да, қолган олтитаси – Панжикент, Варагсар, Маймурғ, Санжарфиғон, Дарғом ва Абгор эса дарёнинг сўл соҳили(жануби)да жойлашганлигини кўрсатади. Археологик тадқиқотларга кўра, Самарқанд Сўғдининг Зарафшон дарёси чап соҳилида мазкур даврга оид 179 та ёдгорлик аниқланган.

Бухоро Сўғдида ҳам мазкур даврда ёдгорликларнинг турли гуруҳи ривож топади. Тадқиқотлар аҳоли ўтроқлашуви ва урбанизацион жараёнлар тез суратларда ривож топганлигини кўрсатади. Таҳлилларга кўра, бу жараённинг асосий марказлари айнан савдо-транзит йўлларида

---

<sup>3</sup> Абдуқаюмов С.Р. Сўғднинг илк ўрта асрлар даври ҳунармандчилиги ва савдо-иқтисодий алоқалари. Тарих фанлари номзоди даражасини олиш учун ёзилган автореферат. Т., 2010.

жойлашганлигини кўрсатади. Хусусан, мазкур даврдаги Бухоро Сўғдининг Бухоро, Пойкенд, Кармина Тавовис, Фороб каби йирик хунармандчилик ва савдо марказлари халқаро савдо-транзит йўли тизимининг араб манбаларида “Шоҳ-роҳ” номини олган тармоғида юксалади. Шунингдек маҳаллий ҳукмдорларнинг Варахша ва Ромитон каби қароргоҳлари ҳам ушбу даврдаги йирик хунармандчилик марказлари сифатида ривож топади. Бу каби марказлар ихтисослашган хунармандчилик соҳаларининг ривож топишига замин яратган бўлса, бутун воҳада шаклланган ёдгорликларда ҳам хунармандчиликнинг кўпгина соҳалари кенг ёйилади. Хусусан, воҳада мазкур даврда вужудга келган ёки ҳаёт узвий давом этган 350 га яқин ёдгорликлар мавжудлиги археологик тадқиқотларга кўра аниқланган.

Аҳолининг ўтроқлашув жараёни Жанубий Сўғд худудида ҳам хунармандчилик соҳалари ривожининг кейинги тараққиётида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ёзма манбалар ҳамда воҳада олиб борилган изчил археологик изланишлар Жанубий Сўғдда икки иқтисодий ва маъмурий ҳудуд, яъни, Қашқадарёнинг юқори оқимида, Зарафшон ва Хисор тоғ ён бағирларидан дарёнинг ўрта оқими ҳавзасигача бўлган шарқий ҳудудда Кеш мулки ҳамда дарёнинг қуйи оқимига қадар чўзилган ҳавзада Нахшаб мулки шаклланганлиги хусусида хулоса чиқариш имконини беради.

Ғузордарёнинг ҳар иккала соҳилида илк ўрта асрлар арафасида Хўжа Румас, Ялпоқтепа, Оқтепа, ва Хўжа Бузрук каби мустаҳкам ҳимояланган хунармандчилик марказлари шаклланади. Деҳқончилик ҳавзасининг маъмурий маркази ҳозирги Ғузор шаҳри ўрнида бўлиб, кейинчалик кичик мулк сифатида ривож топади. Ғузордарё ҳавзасида деҳқончилик воҳасининг шаклланиши ва хунармандчилик ишлаб чиқаришининг ривожланиб бориши халқаро савдо-транзит йўллари тармоғининг Тоҳаристонга элтувчи йўналишига боғлиқ тарзда савдо-сотик

алоқаларининг кучайиши билан ҳам изоҳланади. Чунки, Жанубий Сўғднинг йирик марказлари Кеш ва Нахшабдан келувчи савдо йўллари айнан Ғуздордёр ҳавзасида туташган ҳамда Темир Дарвоза орқали жанубий ўлкалар билан ўзаро боғланган. Темир Дарвоза орқали олиб борилган савдо-иқтисодий алоқалардаги сўнгги чегара пункти сифатида Субах ва Ялпоқтепа каби ёдгорликлар мустаҳкам ҳимоя деворларига эга бўлган. Вужудга келган янги деҳқончилик воҳалари негизда ўрта асрлар даврида Кешда 16 та рустоқ шаклланади<sup>1</sup>.

Жанубий Сўғдда шунингдек Бухородан тўққиз кунлик масофада бўлган Амударё чап соҳилидаги Калиф ва Керки шаҳарларига элтувчи йўллар тизимида Касби ва Базда, Искифағн, Кеш ва Нахшаб оралиғида Навкад-Қурайш, Олтинтепа каби хунармандчилик марказлари ҳамда кўплаб қишлоқлар ривож топади. Топилмалар ва ёдгорликларнинг тарихий-географик жойлашуви бўйича амалга оширилган тадқиқотлар бу ёдгорликлар асосий қисмининг иқтисодий ривожини биринчи навбатда деҳқончилик хўжалиги ташкил этганлигини тасдиқлайди. Деҳқончилик маданиятининг юксалиши ҳамда маданий ўлка атрофидаги чўл ва даштликларда истиқомат қилган чорвадор қабилалар билан олиб борилган савдо-сотик алоқалари Сўғдда хунармандчилик ишлаб чиқаришининг тўқимачилик соҳаси ривожигади муҳим омил ҳисобланади. Хусусан, чорвадор қабилалар деҳқончилик воҳалари тўқувчи хунармандларини доимий равишда жун, тери каби хом ашё билан таъминлаб келган бўлса, катта майдонларда етиштирилган ғўза<sup>4</sup> ҳамда тадқиқотчилар фикрига кўра, милодий VI асрдан кенг йўлга қўйилган ипак хом ашёсини етиштириш тўқимачилик соҳасини пахта ва шойи каби муҳим хом ашё билан таъминлаш имконини берган эди.

---

<sup>1</sup> Шахрисабз. Минг йиллар мероси. -Тошкент: Шарқ,2002.-Б.27.

<sup>4</sup> Мусаев Н. Ўрта Осиёда деҳқончилик маданияти ва аграр муносабатлар тарихидан. Тошкент, 2005. 75-б.

Кўчманчи чорвадор аҳолини ўтроқ деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари билан таъмин этишда шимолий йўлнинг аҳамияти катта эди. Бу йўл орқали угузлар дашти, Жанубий Сибирь ва Муғулистонга Мовароуннахрнинг шаҳар ва қишлоқларидан бўз, кийим-кечак эгар-жабдуд, уқ-ёй, қилич, идиш-асбоб, заргарлик буюмлари, дори-дармон, куруқ мева, кунжут, зиғир мойи ва бошқа шу каби моллар олиб бориларди. Сибирдан турли хилдаги қимматбаҳо муйналар, кўчманчилар юртидан эса асосан чорва моллари ва чорвачилик маҳсулотлари келтирилар эди.

Қубо, Ўш ва Ўзган орқали Қошғарга ва ундан ички Хитой вилоятларига рангдор шиша ва шиша буюмлар, сирли нақшинкор сопол идишлар, кийим-кечак эгар-жабдуғ, мева ва отлар, шунингдек Фарб мамлакатларидан келтирилган зеб-зийнатлар ва қурол-яроғлар олиб борилади. Хитойдан асосан ипақ шойи газламалар, кимхоб ва чинни идишлар олиб чиқилар эди. Мовароуннахр бозорлари орқали Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига ипақ ип ва шойи матолар, кумуш, тери, жун, кигиз, турли хил мўйналар, туя, қорамол, қўй, асир ва куруқ мевалар олиб чиқилар эди.

IX—X асрларда Сомонийлар давлатининг Шарқий Европа мамлакатлари билан олиб борган карвон савдосида Волга дарёсининг ўрта оқимларида жойлашган хазарлар ва булғорлар билан бўлган мол айирбошлаш катта аҳамиятга эга бўлади. Бу савдода, айниқса, Хоразм муҳим ўрин тутган. Итил, Хазар ва Булғорга Мовароуннахр ва Хоразмдан гуруч, куруқ мева (ёнгоқ майиз, ўрик ва ҳ.к), кунжут мойи, ширинликлар, тузланган балиқ, бўза, мушканбар, пахта, ип ва шойи матолар, мовут, кимхоб, гилам ва чойшаблар, қулф, камон, қайиқ ва кумуш тангалар, шунингдек Хитой, Хиндистон, Эрон, Кичик Осиё ва бошқа мамлакатлардан келтирилган моллар чиқарилар эди.

Булғор ва Хазардан қимматбаҳо моллар — мўйналар (савсар, кундуз, сассикдузон, латча, тулки, қуён ва эчки терилари), шунингдек мум, шамлар, ўқлар, оқтерак ва қайин пустлоқлари, чуқди калпоқлар, балиқ мойи ва тишлари, булғори чарм қалқонлар, славян қуллари, карчиғайлар, асал, қўй ва сигирлар олиб келинар эди. Ташқи савдо муомаласида тохирийлар ва сомонийларнинг кумуш дирҳамларидан кенг фойдаланилар эди.

Вилоятлараро ички савдо-сотик ҳамда мамлакатлараро карвон савдосининг авж олганлиги, шубҳасиз, ўз навбатида кўп миқдорда чақа ва тангаларнинг муомалада бўлишига олиб келади. Ички бозорларда «фале» деб аталадиган мис чақа, халқаро савдо-сотикда эса кумуш танга — дирҳамлар ишлатиларди. Мис чақаларни марказий ҳукумат ҳам, шунингдек сулола аъзоларидан бўлган баъзи маҳаллий вилоят ҳокимлари ҳам, хатто айрим йирик мулкдорлар ҳам чиқарар эдилар. Кумуш тангалар фақат ҳукумат бошлиғи номидан Марв, Самарқанд, Бухоро ва Шошда давлат зарбхоналарида сўқилар эди. Сомонийлар «исмоилий», «мусайябий», «муҳаммадий» ва «гитрифий» номлари билан юритилган бир неча кумуш дирҳамлар чиқарган эдилар. Улар орасида «исмоилий» тангаси юқори сифатли соф кумушдан зарб этилиб, у асосан халқаро савдо алоқаларида ишлатилар ва кумуш танга ҳолида кўпроқ Шарқий Европа мамлакатларига олиб чиқилган. Россия, Болтиқбўйи ҳудудларида археологик қазилмалар жараёнида юзлаб сомонийларнинг кумуш дирҳамлари, ўнлаб хазиналарнинг топилиши бунинг ёрқин далилидир.

## **1.2. Қорахонийлар даврида Мовароуннаҳрда ҳунармандчилик ва савдо-сотикнинг ривожланиши.**

Қорахоний ҳукмдорлари гарчи ўтроқ ҳаётга кўчмаган бўлсалар ҳам, деҳқончилик варлари ва шаҳарларнинг маданий аҳамиятини яхши англаб эдилар. Улар Боласоғун, Қошғар, Тароз, Узгая, Самарқанд ва

Бухоро каби шаҳарларни давлат ёки вилоят пойтахтига айлантириб, таҳорлар билан алоқа боғлашга ҳаракат қилардилар. Бироқ шунга қарамасдан ўз подалари билан Мозароуннаҳрга кириб келган кўчманчи чорвадорлар деҳқончилик майдонларини топтаб, оёқ ости қиладилар. Ерларнинг талайгина қисми — яйловлар ва яйловга айлантирилган экинзорлар қорахонийлар хонадонинг таянчи ҳисобланган турк қабилаларининг асосий мулкига айлантирилади. XI асрда Мовароуннаҳрда, айиқса, Зарафшон водийсида кўпгина далалар, полиз ва боғлар барбод бўлади. Экин майдонлари қисқариб кетади. Бундай шароитда мулкдор деҳқонлар билан чорвадор кўчманчилар ўртасида зиддият кучайиб, деҳқонларга қарши кураш кескин тус олади. Қорахонийларнинг тазйиқи оқибатида мулкдор деҳқонлар жон сақлаш мақсадида ўз ерларини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Наршахий асарининг таржимони Абу Наср Аҳмаднинг ёзишича, унинг замонида Бухоро ва унинг атрофида ерларнинг қадри шунчалик тушиб кетган эдики, ҳатто уни текинга ҳам берар эдилар, аммо у ерларни ҳеч ким олишни истамас эди. Агар бирор одам ер олса фуқаролар бошига тушган зўрлик ва жабр-жафолар орқасида у ер ҳам экилмай бўш қоларди. Бундан маълумки, ўша замонда нуфузли мулкдор деҳқонларга нисбатан зўрлик чоралари ҳам қўлланилган. Шундай қилиб, XI—XII асрларда мулкдор феодал деҳқонлар ер-сув мулкларидан ҳамда мамлакатда тутган сиёсий мавқеларидан ажралиб катта ер эгалари сифатида жамият ҳаётида ўзининг аҳамиятини бутунлай йўқотадилар. Шундан кейин „деҳқон“ деган ном ўзининг қишлоқ ҳокимини англатувчи асли маъносини йўқотиб, қишлоқ меҳкаткашлари учун умумий номга айланиб кетади.

Зодагон деҳқоклардаи мусодара қилкнган ерлар, шубҳасиз, давлат тасарруфига ўтказилиб „мулки султоний“, яъни давлат ерига айлантирилади. Бундай ерлар, шубҳасиз, давлат хазинасини тўлдирадиган



даромадларнинг манбаи ва маълум муддатда фойдаланиш учун вақтинча бериладиган шартли ер инъомлари - иқтоъ учун асосий фонд бўлиб хизмат қилган.

XI асрдан бошлаб ердан фойдаланишда иқтоъ тартиботи жуда кенг ёйилади. Қорахонийлар томонидан хукмрон сулола намояндalarидан ташқари, олий даражали ҳарбийлар, давлат маъмурлари ва маҳаллий зодагонларга ҳам катта-катта ер майдонлари иқтоъ тарзида ҳадя қилинади. Иқтоъ тартиби қорахонийлар учун бўйсундирилган мамлакатлар аҳолисидан тегишли солиқлари ўндириб, уни бошқариш энг қулай шакли ҳисобланган. Чунки иқтоъ даромадларни муттасил олиб туришни таъминлар эди. Катта-катта пода ва отарларга эга бўлган, истило қилинган мамлакатларда серқўкат яйловларни тортиб олиб уларга эгалик қилаётган ҳарбий зодагонлар айниқса даштда яшаб иқтоъга берилган мулклардан даромадлар олиб туришдан ниҳоятда манфаатдор эдилар. Бу даврда иқтоъ тартиби шунчалик кенгайдики, фақат айрим қишлоқларгина эмас, балки бутун бир вилоят ва йирик шаҳарлардан олинadиган даромадлар ҳам иқтоъ тарзида инъом қилиб берилadиган бўлади. Иқтоъ тартиби кенг қўлланилиши билан у вақтинчалик иқомдан умрбод фойдаланишга, бора-бора, хатто авлоддан-авлодга утадиган меросий мулкка айлана бошлаган. Шундай қилиб, XI—XII асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда мулкчиликнинг янги тури — иқтоъ ерлари кенгайиб, унинг асосий шаҳаридан бирига айланади.

Бу даврга келиб мусулмон руҳонийларига бўлган зътиборнинг кучайиши ва мамлакатда улар сиёсий тангликнинг тобора ортиб бориши билан вақф ерлари анча кўпаяди. Бироқ майда ҳусусий мулклар турли воситалар орқали йирик ердорларнинг тасарруфига ўтиб, уларнинг майдони камайиб боради. Шундай қилиб, XI—XII асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда тўрт турдаги ер эгалиги; мулк султоний — давлат ерлари; иқтоъ — давлат томонидан инъом этилган ерлар; вақф

ерлари - масжид ва мадрасаларга тегишли ерлар; мулк ерлари — шахсий ерлар мавжуд бўлган ерларнинг барча турларида ҳам барзикор (деҳқонлар) ёлланиб ижарага ишлаган. Ўз меҳнати учун улар ижара ҳақиға етиштирилган хосилнинг 0,3 қисмини олган. Хосилнинг яна 0,3 миқдори давлат солиғи ҳисобига тўланиб, қолган қисми ер эғасига теккан. Гарчи бу даврда барзихорлар илк ўрта асрлардаги кадиварларга нисбатан, озод ҳисоблансаларда, аммо уларнинг зиммасига давлат томонидан турли ўлпонлар ва ҳар хил мажбуриятлар юкланган эди. Суғориш тармоқлари, тугонлар, йул ва ^алъалар қуриш ва уларни таъхир етишда уларнинг иштирохи шарт эди.

XI—XII асрларда шаҳарлар кенгайди, аҳолининг сони кўпайиб, улар янада гавжумлашади. Самарқанд, Бухоро, Термиз, Ўзган, Тошкент, Марв, Обивард ва Нисо каби шаҳарлар ички ва ташқи савдо учун хилма-хил хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган ҳамда чақатангалар воситаси билан олиб бориладиган бозор тижоратининг марказига айланади. Шаҳарлар марказида шоҳона саройлар, масжид, минора ва ҳаммомлар каби кўплаб монументал иморатлар қад кўтаради. Шаҳар ичи ва унинг гирдида савдо ва хунармандчилик маҳаллалари, карвонсаройлар барпо этилади. Бу даврда шаҳарларда айниқса кулолчилик шишагарлик ва чилангарлик ривож топади. XI—XII асрларнинг сирли, кошинкор ва кабартма нақшли сополлари, рангдор шиша буюмлари, нақшинкор мис идишлари ўзининг хилма-хиллиги ва юқори даражада нафислиги билан ажралиб туради.

Хунармандчиликнинг тараққий эташи ҳамда ички ва ташқи савдонинг кенгайиши билан бозор тижоратида пулга талаб ошади. Натижада қорахонийлар ва уларнинг вилоят ҳокимлари — элокхонлар томонидан кумуш ва мисдан кўплаб чақа ва тангалар зарб қилинади. Ўша вақтларда Боласоғун, Тароз, Ўзган, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда пул ишлаб чиқариладиган зарбхоналар бўлган.

Мовароуннахр ва Хуросонда қорахонийларнинг олтин, кумуш ва мис чақа-тангалари ҳамда динарлари билан бир қаторда, хатто салжукийлар, хоразмшоҳлар ҳамда Ғазнавийлар томонидан сўкилган тангалар ҳам муомалада юрган.

Демак XI—XII ва XIII аср бошида Мовароуннахр ва Хуросонда товар-пул муносабатлари ниҳоятда ривож топиб, у мамлакатнинг деярли ҳамма узоқ ва яқин вилоятларини қамраб олган эди.

Маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган ҳамда чақа-тангалар воситаси билан олиб бориладиган бозор тижоратининг марказига айланади. Шаҳарлар марказида шохона саройлар, масжид, минора ва ҳаммомлар каби кўплаб монументал имо-ратлар қад кутаради. Шаҳар ичи ва унинг гирдида савдо ва ҳунармандчилик маҳаллалари, қарвонсаройлар барпо этила-ди. Бу даврда шаҳарларда айниқса кулолчилик шишагарлик ва чилангарлик ривож топади. XI—XII асрларнинг сирли, кошинкор ва қабартма нақшли сополлари, рангдор шиша буюмлари, нақшинкор мис идишлари ўзининг хилма-хил-лиги ва юқри даражада нафислиги билан ажралиб туради.

Ҳунармандчиликнинг тараккий эташи ҳамда ички ва ташқи савдонинг кенгайиши билан бозор тижоратида пулга талаб ошади. Натижада қорахонийлар ва уларнинг вилоят ҳокимлари — элокхонлар томонидан кумуш ва мисдан кўплаб чақа ва тангалар зарб қилинади. Уша вақтларда Боласогун, Тароз, Узган, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда пул ишлаб чиқариладиган зарбхоналар бўлган. Мовароуннахр ва Хуросонда қорахонийларнинг олтин, кумуш ва мис чақа-тангалари ҳамда динарлари билан бир қаторда, хатто салжукийлар, хоразмшоҳлар ҳамда Ғазнавийлар томонидан сўкилган тангалар ҳам муомалада юрган.

Демақ XI—XII ва XIII аср бошида Мовароуннахр ва Хуросонда товар-пул муносабатлари ниҳоятда ривож топиб, у мамлакатнинг деярли ҳамма узоқ ва яқин вилоятларини камраб олган эди.

Мамлакатни вилоятларга бўлиб бошқариш ва икто тартиботининг кенг жорий этилиши айрим вилоятларнинг сиёсий мавқеини ошириб, уларнинг мустақилликка бўлган интилишини кучайтирди. Бунинг оқибатида сиёсий жиҳатдан тобора заифлашиб бораётган Қорахонийлар давлати ўзининг аввалги мавқеини йукртиб, салжукийлар тазйикига учрайди ва унга қарам бўлиб қрлади. XII асрнинг 30-йиллари охирига келганда ўрта асрнинг бу буюк турк давлати Шарқдан келган янги истилочилар — кўчманчи қорахитойлар хужумига дучор бўлиб, парчаланиб кетади.

## **II-БОБ: IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда ҳунармандчиликнинг асосий турлари ва ривожланиш омиллари.**

### **2.1.IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда ҳунармандчиликнинг асосий турлари.**

Мовароуннаҳрда аҳоли ўтроқ манзилгоҳларининг кенгайиб бориши ва урбанизация жараёнларининг кучайиши бевосита ҳунармандчилик соҳаларининг ҳам миқдор (сон) ҳам сифат (салмоқ) жиҳатидан юксалишига замин яратди. Қулай табиий-географик ўрин ҳамда ижтимоий-иқтисодий вазият айниқса, IX-XII асрларда маданий ўлкада ҳунармандчилик соҳаларининг гуркираб ривожланишига олиб келди. Ёзма манбалар Сўғднинг айрим ҳудудлари муайян ҳунармандчилик соҳасига ихтисослашганлигини кўрсатади. Жумладан, Наршахий Бухорода мазкур даврда етиштирилган Занданачи матосининг шуҳрати хусусида тўхталиб ўтади<sup>1</sup>, Хитой йилномаларида эса империя саройига юборилган совға-саломлар қаторида маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотлари узлуксиз тилга олинади. Бошқа ҳудудлардаги каби Сўғд ҳунармандчилигининг ёрқин намунаси кулолчилик маҳсулотлари бўлиб, айнан кулолчиликда эришилган ютуқлар ҳамда шаҳарсозлик ривожини Сўғд цивилизациясининг асосини ташкил этган.

Ўтроқлашув жараёнининг энг муҳим мезонларидан бири сопол идишлар ҳисобланади. Зеро, “..у (сопол идиш)лар фақатгина муқим яшаш жойларидагина пайдо бўлади. Овчилик билан машғул қабилалар ёғочдан тайёрланган идишлардан, қамишдан тўқилган саватлардан, чарм мешдан, ҳайвон бош суяги чаноғидан, умуман суюқлик ҳажми учун мос бўлган барча воситалардан фойдаланганлар. Чунки, сопол идиш мунтазам кўчишлар талабига жавоб бермаганлиги сабабли дастлабки кўчманчи қабилалар ҳаётида деярли учрамайди”.

---

<sup>1</sup> Наршахий. Бухоро тарихи..-Б. 72.

Сўғд кулолчилиги гарчи, мазкур даврнинг дастлабки бсқичларида соҳада ўзига хос пасайиш ёки инқироз кузатилсада, анъанавий усул ва услублар ҳамда маданий алоқалар таъсирида бу соҳа ўз ривожининг юқори чўққисига кўтарилди. Ўз навбатида маҳаллий хом ашё асосида моҳир кулоллар томонидан IX-XII асрларда яратилган хунармандчилик маҳсулотлари кўшни ўлкалар маданий ривожига сезиларли таъсир кўрсатган, ўзининг сифати ва кўркемлиги билан ҳаридоргир бўлган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, идишнинг тайёрланиш техникаси, уни пишириш усули ҳамда пишириладиган хумдоннинг ҳолати маҳсулотнинг сифатини белгиловчи энг муҳим омиллар ҳисобланади<sup>4</sup>. Бироқ, бу борада олиб борилган тадқиқотларни таҳлил этиш тадқиқотчилар томонидан юқоридаги омилларга етарлича эътибор берилмаганлигини кўрсатади. Асосий эътибор маҳсулотлар хом ашёсининг таркиби (ваҳоланки, янги тош (мил. авв. VI-IV минг йилликлар) давридаёқ қадимги кулоллар ўз маҳсулотларини тайёрлашда сифатли хом ашёни танлай билганлар), олдинги ёки кейинги даврларга оид идишлардан фарқли жиҳатлари (асосан идиш турлари ва кўринишидаги ўзгаришлар) ҳамда уларни безатишдаги ўзига хос хусусиятларга қаратилади. Ўзига хос бу бўшлиқни этнограф Е.М.Пешереванинг “Ўрта Осиёнинг кулолчилилик хунармандчилиги” номли тадқиқоти анчагина тўлдиради. Асар XX асрнинг биринчи чорагида Ўзбекистоннинг Самарқанд, Шаҳрисабз, Гиждувон каби шаҳарлари, шунингдек Тожикистоннинг Панжикент шаҳри ҳамда тоғли қишлоқларида амалга оширилган этнографик тадқиқотлар асосида яратилган, бироқ тадқиқотчи бу маълумотларни қадимги давр кулолчилиги ва маҳсулотлари билан қиёсий таққослаган ҳолда амалга оширганки, фикримизча, ушбу тадқиқот хулосалари

---

<sup>4</sup> Муаллиф ушбу маълумотларни олишда беминнат ёрдам берган акад. А.Аскарлов археология мактаби вакили Ш.Шайдуллаевга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Сўғднинг илк ўрта асрлар даври кулолчилигининг ўзига хос жиҳатларини ёритиш имконини беради.

Маълумки, ихтисослашган кулолчилик устахоналари асосан йирик марказларда жойлашган. Мазкур давр шаҳарсозлигининг муҳим жиҳатларидан бири устахоналарнинг ташқи шаҳарда, кулоллар маҳалласи яқинида, яъни, шаҳар бозорларидаги савдо расталари билан уйғунликда жойлашганлигидир. Зеро, “..бозор атамаси остида ўрта асрлар шаҳарларида нафақат савдо-сотик қилинадиган махсус жой, балки хунармандчилик марказлари (устахоналари) ҳам тушунилган”. Бу каби ҳолат Сўғднинг барча йирик хунармандчилик ва савдо марказлари, яъни, шаҳарлар тўзилмаси учун хос бўлган.

Кулоллар маҳалласи яқинидаги устахоналарнинг тўзилиши анъанавий бўлиб, 30-35 м<sup>2</sup> катталиқдаги бир хонадан иборат бўлган. Хонанинг тўрида кулолчилик чархи, чарх ёнида хумдон ўрнатилган. Чархга қарама-қарши тарафда лойхона, яъни, идиш учун зарур лойни тайёрлашга мўлжалланган, деворлари ва таг қисми тош бўлақлари билан қопланган махсус ўра жойлаштирилган. Хона ёнида фақатгина ички тарафдан кириш эшиги бўлган, токчалар билан таъминланган кичик хона ҳам мавжуд бўлган, бу хона доимий равишда қоронғи ҳолатда, тайёр бўлган идишларни қуритишга мўлжалланган.

Устахона олдида кичикроқ майдон мавжуд бўлиб, майдонча четларида ёз мавсумида фойдаланиш учун лойхона ва хумдон ўрнатилган (1-расм). Устахона девори ва томида ёритиш ва тутуннинг чиқиб кетишини таъминлаш мақсадида махсус туйнуклар ўрнатилган, улардан биттаси албатта кулолчилик чархи тепасида жойлашган. Кулолчилик чархи одатий бўлиб, бутун Ўрта Осиё ҳудудида кенг тарқалган, минг йиллар давомида деярли ўзгармасдан қўлланилиб келмоқда. Чарх пастки қисми тош тагкурсига мустаҳкам маҳкамланган пишиқ ёғоч ўқ асосига қурилган. Ўққа иккита, пастки ва юқори айлана шаклдаги ёғоч чархлар

ўрнатилган. Пастки чарх диаметри қарийиб 1 м.ни, қалинлиги эса 20 см.ни ташкил этади. Юқоридаги чарх қўполроқ ишланган ярим шар шаклида бўлиб, ёғоч ўқнинг юқори қисмига, текис томони тепага қилиб ўрнатилган (2-расм). Бу каби кулолчилик чархлари қолдиқлари деярли барча йирик марказлардан аниқланган, улардан асрлар давомида деярли ўзгаришсиз фойдаланиб келинган.

Маҳсулотни тайёрлашда махсус меҳнат қуроллари ҳам муҳим бўлиб, улар асосан ёғочдан ясалган. Бундай меҳнат қуроллари жумласига – идишлар сиртини текислагич, идиш сиртига турли безак ёки муҳр босиш учун мўлжалланган қўлоғоч, кўза оғзининг ички қисмини бежирим ва сифатли чиқариш учун фойдаланиладиган сандон, кичик ёғоч белкурак кабиларни киритиш мумкин.

Идишларнинг сифати бевосита хом ашё(лой)нинг қандай тайёрланишига ҳам боғлиқ бўлган. Идишларни тайёрлашда ишлатиладиган хом ашёни асосий хом ашё – гил тупроқ билан бирга соз (тўқ яшил – Панжикент, оқ – Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро) тупроқ ҳам ташкил этган. Унчалик катта бўлмаган идишларни тайёрлашда ҳар икки хом ашё туридан баравар миқдордаги аралашма идиш сифати юқорилигини таъминлаган. Даставвал соз тупроқ майдаланмаган ҳолда устахонадаги лойхонага солиниб, керакли миқдорда устидан сув қуйилган. Одатда, сувга тўйинтириш мақсадида соз тупроқ лойхонага кечқурун солинган. Эрталаб лойхонага худди шунча миқдорда гил тупроқ солиниб, устидан сув қуйилган. Тўрт соатлик вақтдан сўнг аралашма лойхонадан чиқарилиб олиниб, қиш мавсумида устахонада, ёз ойларида эса устахона ҳовлисида дастлабки ишлов берилган. Аввало, майдончага дарё қумидан солиниб, лой унинг устига ётқизилган. Бу каби жараён Панжикент кулолчилигида мавжуд бўлиб, Шаҳрисабзда дарё қумидан фойдаланилмаган. Шундан сўнг икки соат давомида хом ашёни аралаштириш ва пишитишдаги энг муҳим жараён – лой тепиш амалга



оширилган. Тепиш жараёнида лойнинг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида турли қўшимчалар, асосан яхши савалган ва титилган эчки жуни қўшилган. Бу каби жараёни Сурхондарё вилояти маҳаллий кулоллари томонидан тандирларни тайёрлашда ҳам кузатиш мумкин. Баъзи ҳолларда муқобил сифатида лой таркибига майдаланган сомон бўлаклари ҳам қўшилган. Тепиш жараёнида лойнинг тагига бир неча бор дарё куми, шунингдек шакароб тарзида сув ҳам сепиб турилган. Қоришма тайёр бўлгач узунчоқ бўлақларга бўлинган. Бу бўлақлар устахона ичидаги лойхонага солиниб, усти сувга яхши шимдирилган латта билан бекитилган. Шу ҳолда лой бир кеча давомида тиндирилган ҳамда эртаси куни яна бир соат давомида тепиш жараёни амалга оширилгандан сўнггина лой идиш тайёрлаш учун тайёр ҳолга келган. Сўнгра кулол 15-20 минут давомида лой бўлақларини қўлда қориш жараёнида ундаги кичик тош бўлаклари ва бошқа унсурларни олиб ташлаган. Лой бўлаги бир неча ғўла тарзидаги қисмларга бўлинган ва ушбу ғўлалар кулолчилик чархи ёрдамида тайёрланадиган идиш асосини ташкил этган.

Кун давомида кулол чарх ёрдамида барча ғўлалардан керакли идишларни тайёрлаган. Тайёр идишлар бир кеча давомида қуритиш учун махсус хонадаги токчаларга териб қўйилган. Эртасига идишларга сандон ва қўлоғоч ёрдамида сўнгги ишлов бериш жараёни амалга оширилган. Суюқлик учун тайёрланадиган идишлар – хум ва кўзаларда бу жараён икки кунни ташкил этиб, иккинчи куни идиш сиртига маълум бир шакллар туширилган. Шундан сўнг тайёр идишлар махсус қоронғи хонада, сўнгра офтоб нурларида қуритилган. Йилнинг энг иссиқ даврида бу жараён кўза ва хумлар учун тўрт ёки беш кунни, коса, пиёла каби кичик идишлар учун бир кеча-кундузни ташкил этган. Шундан сўнг маҳсулот тайёрлашдаги энг сўнгги ва масъулиятли жараён – уларни пишириш амалга оширилган.

Милодий IX аср биринчи ярмидан идишлар тайёрлашнинг янги усуллари қўлланила бошланади. Жумладан, идишлар оғзи гардиши текис ва юпка бўлишини таъминлайдиган хўл латта билан ишлов бериш, каттароқ идишларни тайёрлашда чарх тагига қум сепиб қўйиш, кичик идишларни тайёрлашда идиш сиртига (ингичка) ип толалари билан ишлов бериш кейинги даврларда маҳсулот сифати яхшиланишига олиб келди.

Идишларни пишириш жараёнида хумдонларнинг тўзилиши ҳамда уларда идишларни пишириш усули муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ўрта Осиёнинг йирик марказларида қадимги даврлардан хумдонларнинг асосан, икки камерали тури кенг тарқалган. Биринчи камера ўра тарзида қавланган ўтхона бўлиб, унинг тепа (том) қисми зич қилиб терилган хом ғишт билан беркитилган, ғишт усти лой сувоқ қилинган. Хумдоннинг устки, яъни, идиш пишириладиган камераси ўтхона томи устида қурилган. Устки камеранинг ички қисми хом ғишtdан териb чиқилган ярим шар шаклида бўлиб, ташқи қисми ярим шар ёки тўртбурчак кўринишида бўлган. Иссиқликни бир маромда таъминлаш мақсадида ўтхона томида устки камера деворлари бўлаб 15 см диаметр катталиқда 6-8 та, ўрта қисмида унчалиқ катта бўлмаган 4 та туйнук ўрнатилган. Тутуннинг ва ортиқча иссиқликнинг чиқиши учун мўлжаллаб устки камера юқори қисми марказида битта каттароқ ва унинг атрофида 4 та кичик туйнуқлар қолдирилган. Ўтхона ёнида ўтин ташлаб туриш учун махсус хандақ қазилган.

Идишларни қуритиш жараёни ўз якунига етгач, уларни хумдоннинг устки камерасига зич қилиб, махсус тарзда териb чиқилган. Идишларнинг ортиқча иссиқликдан куйиб кетишининг олдини олиш мақсадида камера марказидаги туйнук ва идишлар оралиғи оҳак бўлақлари билан чегараланган. Идишларни камерага жойлаштиришда ҳам ҳар бир кулолчилик мактабининг ўз анъаналари ва услуби мавжуд бўлган.

Масалан, Панжикентда сув учун мўлжалланган кўзалар таг қисми тепага ҳолатда териб чиқилган бўлса, Кешда идиш тагларига махсус сопол тагқўйгичлар қўйилган. Идишлар териб бўлингач хумдон оғзи ғишт билан бекитилиб, суваб ташланган. Сўнгра ўтхонада узлуксиз беш – олти соатга яқин бир меъёрда ўт ёқилган. Кераклича ўтин ёндирилгач, иссиқликни ушлаб туриш ва идишлар сифатли пишишини таъминлаш мақсадида ўтхона дарчаси ғишт билан бекитилиб, лой билан сувалган. Икки кундан сўнг хумдон оғзи очилиб, камерадаги тайёр маҳсулотлар чиқариб олинган.

**Тўқимачилиқ** Янги тош даврида урчуқ ҳаракатини тезлаштирган йигирув чархининг кашф этилиши инсоният ҳаётида тўқимачилик соҳасининг тезкорлик билан ривож топишига замин яратди. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу кашфиёт қадимги ва ўрта асрлар тўқимачилиги учун ҳам характерли ҳисобланади. Ип йигирув борасидаги ютуқлар ўз навбатида тўқимачиликнинг ривожланишини тезлаштирди. Кейинги даврларда тўқимачилик дастгоҳининг яратилиши ва такомиллаштирилиб борилиши соҳа тараққиётидаги муҳим омил бўлди. Тадқиқотларга кўра, дастлабки тўқув дастгоҳлари Миср ва Ҳиндистонда яшаган қадимги аҳоли томонидан кашф этилган. Маданий ва савдо алоқаларининг ривожланиб бориши туфайли бу каби дастгоҳлар Ўрта Осиё ҳудудида мис-тош давридан пайдо бўлади.

Мовароуннаҳрда деҳқончилик маданиятининг юксалиши ҳамда тўқимачилик ривожини учун зарур хом ашё – ғўза экини парвариши учун қулай иқлим шароитининг мавжудлиги бу соҳа тараққиётидаги энг муҳим омил саналади. Тадқиқотларга кўра, Мовароуннаҳрда мил. авв. V асрдан эътиборан кенг майдонларга ғўза экилган, ундан юқори ҳосил олиш имкониятлари вужудга келган. Шунингдек милодий VI асрдан ипак хом ашёси етиштиришнинг йўлга қўйилиши (Кампиртепа ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар бу жараён анчагина илгари пайдо бўлганлиги

хақида хулоса чиқариш имконини беради) тўқимачиликда шойи матолар ишлаб чиқариш, улардан ўз замонасининг сифатли, хушбичим газламаси ҳамда кийим-кечак тайёрлаш имконини берди. Наршахий Бухоро яқинидаги Зандана қишлоғида “занданачи” матоси тўқилганлиги, бу мато ўзининг юқори сифати ва чиройи билан донг қозонганлиги хусусида тўхталиб ўтади<sup>1</sup>.

Сўғд ипагининг Хитой ипаги билан рақобатлаша олганлигини, сифати ва кўркамлигини тадқиқотчилар маҳаллий шойи газламасини тайёрлаш жараёнида мато асосининг маълум бир қисмини пахта толаси ташкил этганлиги билан изоҳлайдилар. Зеро, “..X асрга қадар Хитойда пахта етиштирилмас, ёввойи навли ғўза фақатгина гул (декоратив ўсимлик) сифатида император саройларида парваришланар эди”<sup>2</sup>. Шунингдек маданий ўлка чегараларида, яйлов ва даштликларда чорвачилик хўжалиги билан машғул кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилалар билан олиб борилган доимий савдо-айрибошлаш алоқалари тўқимачиликни чорва жуни ва тери хом ашёси билан таъминлаш имконини берар эди. Сўнгги йиллардаги тадқиқотларга кўра, Қашқадарё воҳасида XIX аср охири - XX аср бошларида ҳам жундан тўқилган гиламларнинг каттагина қисми Қамаш ва Чироқчи даштларида яшовчи чорвадор аҳоли томонидан тайёрланган<sup>3</sup>.

Кўчманчи қабилалар билан савдо-айрибошлаш алоқаларининг ривожини Сўғдда тери хом ашёсини қайта ишлаш орқали тўқимачиликнинг яна бир соҳаси – кўнчиликнинг кенг ёйилишига замин яратади. Маълумки, бу даврда терига ишлов бериш, ундан турли маҳсулотлар – камарлар, оёқ кийимлари ҳамда қурол-яроғ учун турли ғилофлар тайёрлаш даражаси юксалади.

---

<sup>1</sup> Наршахий Абу Жаъфар. Бухоро тарихи..-Б.72.

<sup>2</sup> Ўша асар.-С.19.

<sup>3</sup> Ҳамидова М.С. XIX-XX аср бошларида Қашқадарё воҳаси хунармандчилиги тарихи. Тарих фанлари номз.дисс.автореферати.-Тошкен,2009.-Б.16.

Сўнги йилларда амалга оширилган тадқиқотлар йирик ҳунармандчилик ва савдо марказларида терига ишлов бериш билан боғлиқ бўлган меҳнат қуролилари борасида янги маълумотлар олиш имконини беради. Жумладан, Самарқанд шаҳрида қўлга киритилган ашёлар орасида кўплаб тош қуролилар – терига бирламчи ишлов берадиган қирғич, терининг сув ўтказмаслиги хусусиятини ҳамда кўркамлигини оширишда қўлланилган эзгич, терига ишлов бериш жараёнларида доимий фойдаланиладиган исканалар устида янги технологиялар асосида тадқиқотлар олиб борган Г.Ф.Коробкова терига ишлов бериш мазкур даврда ихтисослашган бир неча махсус устахоналарда амалга оширилганлигини таъкидлайди. Муғ тоғида сақланган ҳужжатларда Панч мулки ҳокими Деваштич (708-722 йй.) хазинасига атроф қишлоқлардан келтириладиган тери хом ашёси хусусидаги маълумотларга эътибор берсақ бу хулосалар асосга эга эканлиги ойдинлашади. Бундан ташқари, жун хом ашёсидан гилам тўқиш ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу маҳсулот ички эҳтиёжни қондириш билан бирга ташқи савдо-иқтисодий алоқаларда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Қолаверса, жундан турли кийимлар, хусусан, юқори сифатли бош кийимлар ҳам тайёрланган.

***Металлга ишлов бериш (металлсозлик).*** Кончилик ишларининг юксалиши металлсозлик ҳунармандчилигининг ривожига тўртки берди. Археологик топилмалар мазкур даврда соҳанинг асосан йирик марказларда ривож топганлигини кўрсатади. Жумладан, Сўғднинг хом ашё етказиб берувчи Нурота тоғи тизмалари ҳамда Ҳисор тоғида жойлашган кончилик маконлари тадқиқ этилганда шу нарса яққол кўзга ташланадики, қазиб олинган рудаларга конлар яқинида, қайта ишлаш учун зарур бўлган сув манбаи – сой ёки дарё ирмоқлари ёқаларида ҳамда ёқилғи хом ашёси етарли (асосан, тоғ арчаси) бўлган ҳудудларда бирламчи қайта ишлов берилган. Жумладан, биргина Ҳисор тоғи

ёнбағрида Ширдоғ, Чакка, Захша, Калтакўл, Сулукўл, Чўянли каби 10 га яқин металлсозлик пунктлари аниқланган<sup>1</sup>.

Бу пунктларда рудалар керакли ҳароратда эритилиб, махсус катталиқдаги қолипларга қуйилган. Бу металл қуймалари ярим тайёр хом ашё (полуфабрикат) сифатида Сўғднинг марказий металлсозлик устахоналарига олиб кетилган. Жумладан, бу каби қуймалар Варахша яқинида<sup>2</sup>, Афросиёбнинг темирчилик устахоналарида, Панжикент металлсозлик марказларида, Нахшаб металлсозлар маҳалласида аниқланган.

Металлсозлик ҳунармандчилиги тараққиётини Жанубий Қизилқумда жойлашган Нурота тоғи тизмаларидаги кончилик маконлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу маконлар яқинида 20 дан ортиқ (улардан 8 таси Лавлакон кўли ёқасида жойлашган) металлсозлик пунктлари тадқиқ этилган. Бироқ, бу маконларда темир рудаси захирасининг камлиги бу хом ашёнинг асосан ички эҳтиёжларга сарфланганлигидан далолат беради. Жамият ҳаётида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши темир маҳсулотларига бўлган талабни кескин оширди. Натижада Сўғдда йирик марказлардан бошқа аҳоли манзилгоҳларида ҳам металлсозлик кенг ёйилди. Жумладан, металлсозлик излари–темир қуймалари Касби, Базда, Кишмиштепа, Искифагн ёдгорликларида, темирчилик устахоналари Қоровултепа, Овултепа, Бухоро Сўғдида эса Қоратепада аниқланган. Бу манзилгоҳларда темирчилар томонидан кенг аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган меҳнат қуроллари, қурол-яроғ, ошхона идиш(инвентар)лари ҳамда тақинчоқлар тайёрланган.

Кончилик тараққиёти ўз навбатида металлсозликнинг муҳим тармоқлари бўлган заргарлик ва кандакорлик соҳаларининг юксалишига

---

<sup>1</sup> Абдуқаюмов С.Р. Сўғднинг илк ўрта асрлар даври ҳунармандчилиги ва савдо-иқтисодий алоқалари. Тарих фанлари номзоди даражасини олиш учун ёзилган автореферат. Т., 2010.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

замин яратди. Нурота тоғи шимолий ва жанубий тизмаларида мавжуд бўлган Сантоб ва қисман Олтинқозган каби олтин конларидан мазкур даврда казиб олинган хом ашё маҳаллий заргарлик хунармандчилиги ривожининг муҳим омили ҳисобланади. Шунингдек Буюк Ипак йўли бўйлаб олиб борилган савдо-иқтисодий алоқалар ривожига ҳам каттагина миқдорда олтин хом ашёси тўпланишига замин яратган эди, зеро, “..Хитойдан Византияга оқиб кетаётган ипакнинг бир қисми Бухоро, Самарқанд, Чоч, Қошғар, Куча ва Турфонда оғир олтин ёмбилар тарзида колар ва улардан деҳқонлар ва тижоратчиларнинг аёллари учун зеб-зийнатлар ясаларди”<sup>6</sup>.

Илк ўрта асрлар хунармандчилигида кандакорлик алоҳида ўринга эга. Кумуш ашёсидан нозик дид билан тайёрланган идишлар нафақат Сўғдда, балки қўшни ва олис ўлкаларда ҳам катта ўринга эга бўлган. Яқин вақтларгача мутахассислар орасида кумуш идишлар кандакорлигининг асосий ватани Эрон бўлганлиги, бошқа ҳудудлардан аниқланган идишларнинг асосий қисми айнан шу ерда тайёрланганлиги, кейинчалик эса соҳа тараққиёти Араб халифалиги даври билан боғлиқлиги хусусида фикрлар устувор эди. Бироқ, изчил тадқиқотлар бу маҳсулотларнинг маълум бир қисми Сўғдда тайёрланганлигини кўрсатди. Археологик ва геологик тадқиқотлар Сўғд ҳудудида кумуш конлари мавжуд бўлмаганлигини кўрсатади. Рангли фойдали қазилмалар бўйича йирик тадқиқотларни амалга оширган Ю.Ф.Буряков Сўғд кандакорлигининг хом ашёси асосан савдо алоқалари орқали Чоч ва Илоқ ҳудудларидан олиб келинганлигини таъкидлайди. Кандакорлик хунармандчилигининг юксалиши кулолчилик маҳсулотлари тайёрланишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Металлсозликнинг яна бир муҳим тармоғи – қуролсозлик бўлиб, мазкур даврда Сўғдда кўплаб қурол-яроғ тайёрлайдиган махсус

---

<sup>6</sup> Гумилев Л. Қадимги турклар..-Б.166

устахоналар фаолият кўрсатган. Бу устахоналарда тайёрланган қуроллар савдо-иқтисодий алоқалар туфайли кўшни ўлкаларга чиқарилган. Қуролсозликда юқори табақа вакиллари орасида урфга кирган қимматбаҳо маъдан ва тошлар билан безатилган турли шаклдаги қуроллар тайёрлаш катта ўрин тутган. Шунингдек бу услубда алоҳида ўринга эга бўлган от анжомларини тайёрлаш ва нафис қилиб безатиш ҳам ривож топган. Қуролсозликдаги тараққиёт ўз-ўзидан ёғочга ва айрим ҳолларда суякка ишлов бериш, уларни сайқаллаш соҳаларининг юксалишига таъсир кўрсатган.

*Ёғочга ишлов бериш (ёғоч ўймакорлиги).* Мазкур даврда Сўғда ривож топган соҳалардан бири – ёғочга ишлов бериш хунармандчилиги бўлиб, бу соҳа маҳсулотларидан асосан уй хўжалиги ва меъморчилик безакларида фойдаланилган. Ёғочга ишлов бериш ўзига хос тайёрлаш техникаси орқали амалга оширилган.

Бу жараёнда қўл ёки сув ёрдамида ҳаракатга келтириладиган маҳсус дастгоҳдан фойдаланилган. Дастгоҳ тўзилиш жиҳатидан оддий бўлиб, унда ишлов бериладиган ёғоч бўлаги ҳаракатга келтирилган, айланаётган ашёга маҳсус пичоқлар ёрдамида ишлов берилган. Идишларни тайёрлашдаги энг муҳим босқич уларнинг мустаҳкамлигини таъминлашдан иборат бўлган. Шу мақсадда тайёр бўлган идишлар бир – икки дақиқа олов тутунида тўтиб турилган, сўнгра, идишга ёғ суртилган ёки идиш қайноқ ёғда бир дақиқа ушлаб турилган. Шундан сўнг идишга минерал бўёқ билан безак берилган. Дастгоҳда идишлар тайёрлаш асосан тоғли худудларда, яъни, идиш мустаҳкамлигида муҳим бўлган қаттиқ ёғоч хом ашёга бой Панжикент ва унинг атрофларида, мавжуд бўлган.

Тадқиқотларга кўра, меъморчиликда саройлар ҳамда шаҳарларнинг муҳим биноларини, ибодатхоналарни безатиш ёғочга ишлов бериш хунармандчилиги ривожини янги поғонага кўтарган. Бу эса Панжикент шаҳар аҳолиси аксар қисми уйларини безатишда ёғоч ўймакорлигининг



юксак намуналаридан унумли фойдаланилишига замин яратган. Таъкидлаш жоизки, меъморчиликда ёғоч ўймакорлиги беазаги фақатгина Самарқанд Сўғди, унинг тоғолди ҳудудлари учун хос бўлиб, Бухоро ва Жанубий Сўғдда иқлим шароити ва хом ашё манбаидан келиб чиқиб, биноларни сопол (сирланмаган) кошинлар билан безаш кенг ёйилган. Бироқ, кейинги даврларда металлсозлик ва шиша буюмлар тайёрлашнинг кенгайиши ёғочга ишлов бериш ҳунармандчилигининг асосан меъморчиликда сақланиб қолишига сабаб бўлди.

Юқорида кўриб ўтганимиздек Сўғдда ривож топган ҳар бир ҳунар соҳалари катта тажриба ҳамда узок муддатли оғир меҳнатни талаб қилган. Бу эса, фикримизча, объектив шарт-шароит, яъни, ижтимоий-иқтисодий асос ҳамда бойлик концентрациясини тақозо этган. Бу каби шарт-шароит Сўғднинг Туркий хоқонлиги таркибига киритилиши ҳамда хоқонлик билан савдо-иқтисодий алоқалардаги муштарак манфаатлари орқали юзага келди. Ушбу мулоҳазалар ҳамда тадқиқотлар таҳлили Сўғд ҳудудида ҳунармандчилик аҳволининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш имконини беради. Жумладан, маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ҳамда сифатига кўра уни уй касб-кори ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариши каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

Уй ҳунармандчилиги уй-қўрғонлар ёки (янгидан вужудга келган) қишлоқ манзилгоҳларида қўлда идишлар тайёрлаш, бўйра тўқиш, бўёқлар тайёрлаш ва тўқимачилик кабилар билан боғлиқ бўлган<sup>2</sup>. Бу каби ҳунармандчилик маҳсулотларининг асосий истеъмолчилари қишлоқнинг оддий аҳолиси, яъни ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари бўлганлиги сабабли бу маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш даражаси ва сифати юқори бўлмаган. Шу сабабли, фикримизча, уй касб-кори даражасидаги буюмлар

---

<sup>2</sup> Уй ҳунармандчилиги ва йирик ишлаб чиқариш муаммоси хусусида қаранг: Эшов Б.Ж. Милоддан аввалги VII- IV асрларда Суғдиёна тарихи ва маданияти. Тарих фан. номз. дисс. -Тошкент, 1999. -Б.101.

тайёрлаш ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ўртасидаги фарқни ажрата билиш лозим.

Тадқиқотлар таҳлилига кўра, ҳунармандчиликнинг ихтисослашган соҳалари асосан йирик шаҳарларда ва ҳунармандчилик марказларида ривож топган бўлиб, бундай марказларда махсус устахоналар ҳам фаолият кўрсатган. Бундай марказларда маҳсулотларнинг асосий қисми ўзаро алмашинув ёки сотиш учун тайёрланган бўлиб, уларнинг маълум бир қисми ҳунармандларнинг ўзлари томонидан сотувга чиқарилган. Зеро, уларни ишлаб чиқариш “..бозор мақсадларида амалга оширилган бўлиб, бу каби маҳсулотлар шахсан озод ҳунармандлар томонидан тайёрланган”. Бу маҳсулотларнинг асосий истеъмолчилари йирик мулкдорлар, шунингдек уларга тегишли тижорат билан машғул савдогарлар бўлган. Чунки, мазкур даврда савдо-сотиқ жуда қизғин ва даромадли ҳисобланар, “..бирок, бу тижорат оғир натурал хўжалик шароитида яшаётган авом халққа эмас, балки, жамиятнинг дабдабали нарсаларга эҳтиёж сезадиган юқори қатламига хизмат қиларди”<sup>2</sup>. Шу сабабли, фикримизча, кенг миқёсли савдо-сотиқ жараёнлари ривож топганлигига қарамай уй ҳунармандчилиги илк ўрта асрларда ҳам Сўғд ҳунармандчилигида маълум бир ўринга эга бўлган. Бу эса биринчи навбатда, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаб келган.

***Шишасозлик маҳсулотлари.*** Археологик тадқиқотлар давомида Овултепа, Қуштепа, Култепа каби ёдгорликлардан бир қатор шиша идишлар ёки идиш бўлақларининг топилиши Сўғдда шишасозлик маҳсулотлари кенг тарқалганлигидан далолат беради. Тадқиқотлар таҳлили Сўғдда мазкур даврда шишасозлик ҳунармандчилиги, шиша идишлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилмаганлигини кўрсатади. Бирок, шиша идишларнинг кенг тарқалганлиги Сўғдга шиша буюмлар савдо-

---

<sup>2</sup> Гумилев Л. Қадимги турклар... -Б. 49.

иқтисодий алоқалар орқали асосан, Тоҳаристон ҳудудидан олиб келинган деган хулоса чиқариш имконини беради.

Шиша идишларнинг тури кам сонли бўлиб, дастали ва дастасиз кўзачалар, пардоз ва фармацевтика мақсадларида фойдаланилган, оғзи маҳкам беркитиладиган кичик идиш(флаконт)лардан иборат бўлган. Топилмалар орасида шиша қадахлар ҳам учрайди, бироқ, “..шиша қадахлар VIII асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан кенг тарқалган. Шишасозлик кейинги даврларда тараққий этган бўлиб, Сўғд ҳудудидаги дастлабки йирик устахоналар Бухорода жойлашган.

***Меъморчилик безаклари ҳунармандчилиги.*** Меъморчиликда қўлланилган безакларда ёғоч ҳамда гил тупроқдан тайёрланган сирланмаган сопол кошин(малоййика) мазкур даврда кенг қўлланилган усуллардан ҳисобланади. Ёғочга ишлов беришнинг кенг тарқалган тури турли афсонавий манзаралар ҳамда ҳайвонлар тасвири билан ўймақори тарзда безатилган устунлар ҳисобланади. Ўймақори устунлар асосан Самарқанд Сўғди учун хос бўлган. Тоғ ёнбағрида сифатли ёғоч берувчи дарахтларнинг кўплиги нафақат Самарқанд ва Панжикент каби йирик шаҳарлар, балки, Гардани Ҳисор каби мустаҳкамланган кўрғонлар ҳамда Жартепа II сингари ибодатхоналарни ҳам безатишда серҳашам устунлардан фойдаланилганлигини кўрсатади.

Жанубий ва Бухоро Сўғди ҳудудида ўймақори ёғоч ўрнида сирланмаган кошин(гил тупроқдан тайёрланган ва пиширилиб, безак берилган сопол)лар кенг қўлланилган. Биноларнинг ички қисми девор ва шифти туташган жойларни шу усулда (албатта, бошқа хом ашёлар ёрдамида) безаш бугунги кунга қадар сақланиб қолган. Кошинлар турли манзаралар (асосан, серҳашам нақшли) ҳамда ўсимлик гуллари билан безатилган. Ёдгорликларнинг яхши сақланмаган ҳолати бундай кошинларни чуқур таҳлил этиш имконини бермайди, бироқ,

тадқиқотчиларнинг фикрича, IX-XX асрларда Сўғда иншоотларни безашда терракоталарга нисбатан кошнлардан кўпроқ фойдаланилган.

## **2.2.IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда ҳунармандчиликнинг ривожланишидаги асосий омиллар.**

Ҳунармандчилик - қадимдан жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири сифатида ишлаб чиқарувчи хўжаликда муҳим ўринга эга бўлган. Мамлакатимиз халқлари қадимги даврларданок турли ҳунармандчилик соҳалари билан шуғулланиб келганлар, бу борада ўз мактаблари ва анъаналарини, услуб ва йўналишларини яратганлар. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудларда содир бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар бутун Ўрта Осиёда урбанизацион жараёнларнинг кучайишига олиб келди.

Аҳолининг ўтроқлашуви Мовароуннаҳрда ва бутун Ўрта Осиёда янги деҳқончилик ерларини ўзлаштириш эҳтиёжини вужудга келтиради. Бу эса минтақанинг сунъий суғориш имкониятларидан унумли фойдаланиш эвазига йирик унумдор ерларнинг ўзлаштирилишига олиб келди. Янги воҳаларнинг ўзлаштирилиши ўз навбатида деҳқончилик маданияти ва урбанизацион жараёнларнинг ривожига замин яратди, зотан, “.. илк ўрта асрлар урбанизацияси янги қурилган шаҳарчалар ва уларнинг атрофидаги қалъа-қўрғонлар ҳисобига ўсди”<sup>2</sup>.

Археологик тадқиқотлар натижасида Мовароуннаҳрда ўтроқлашув жараёнининг кучайиши туфайли аҳоли манзилгоҳларининг бир неча гуруҳлари – марказий шаҳарлар, муайян мулкнинг ижтимоий-иқтисодий марказлари (нисбатан кичик шаҳарлар)<sup>3</sup>, қишлоқ манзилгоҳлари, ҳимояланган қалъа-қўрғонлар, кичик қалъа-қўрғонлар ҳамда тоғ ёнбағри ҳимояланган, шунингдек мудофаа тизимига эга бўлмаган кичик

<sup>2</sup> Пардаев М.Х. Қадим ва ўрта асрларда Уструшона // Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон. Халқ.конф.мат.-Т.,2007.-Б. 83.

<sup>3</sup> Сулейманов Р.Х. Шаҳрсабз. Минг йиллар мероси.-Тошкент: Шарқ, 2002.-228 б. ил.б. ва бошқ.

кишлоқлар мавжуд бўлганлиги тадқиқ этилган. Ўрта Осиё шароитида бу каби ёдгорликлар асосан сув таъминоти қулай бўлган ҳудудларда, Сўғд миқёсида Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари ҳамда уларнинг ирмоқлари, шунингдек тоғ ёнбағри, яъни сой ва булоқ сувлари мўл ҳудудларда шаклланган. Сўғднинг деярли марказий қисмида Карнобчўл дашти, шунингдек Амударёга қадар ястанган Қизилқум саҳросининг ҳамда Қашқадарё чўлларининг мавжудлиги ҳам бу ёдгорликларнинг муайян бир деҳқончилик воҳаси тизимида таркиб топишида ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ривожидида ўзига хос хусусиятлардан бири ҳисобланади.

Ўрта Осиёда аҳоли ўтроқлашувининг кучайиб бориши бевосита мазкур даврда Буюк Ипак йўли тармоқларидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ривожиди билан ҳам изоҳланади. Зотан, “Буюк Ипак йўлида туркий қабилалар ҳаракатининг фаоллашуви шаҳар маданияти ривожидида муҳим ўрин эгаллади. Бу жараён эса Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳудудида янги шаҳар марказлари тизимининг вужудга келишига замин яратди, савдо йўлларидаги ёки савдо-иқтисодий жиҳатдан уларга боғлиқ бўлган шаҳарларнинг (шунингдек ҳунармандчилик ва савдо марказларининг) тезлик билан ривожланишини таъминлади”<sup>1</sup>.

Шу ўринда карвон ёки савдо-транзит алоқа йўлларида жойлашган марказий шаҳарлар ҳамда йирик савдо марказлари оралиғидаги масофани таҳлил этиш масалага янада ойдинлик киритади. Бу борада ўрта аср араб манбалари, аниқроғи араб географлари (IX-X асрлар) маълумотлари муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Бу манбаларда Ўрта Осиё, хусусан, Сўғднинг йирик шаҳарлари оралиғидаги масофа кунлик йўл ҳисобида ҳамда узунлик ўлчови бирлиги – фарсах(бир фарсах тахм. 6-8 км.га тенг)ларда келтирилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон. Халқ.конф.мат.1-қисм.- Тошкент,2007.-Б.24.

Манбалардаги маълумотларга кўра, Самарқанддан Кешгача бўлган масофа икки кунлик Кеш ва Нахшаб оралиғи уч кунлик Нахшабдан Бухорогача бўлган масофа тўрт кунлик йўлни ташкил этган, шунингдек Кеш билан Нахшаб оралиғи қарийиб 11 фарсах, Самарқанд билан Панжикент йўналишида жойлашган Жартепа ёдгорлиги оралиғи эса бир кунлик масофа(44 км.)дан иборат бўлган. Бироқ, тоғ ёнбағри ва доvon орқали ўтадиган йўллар шароитида йўлнинг мураккаблиги туфайли бир кунлик масофа 10-22 км.ни ташкил этган. Агар ушбу маълумотларни таҳлил этсақ мазкур даврдаги бир кунлик йўл масофаси текислик шароитида ўртача 22-44 км.ни, доvon ва тоғ орқали эса 10-22 км.ни ташкил этганлиги намоён бўлади. Ушбу қонуниятга кўра, Сўғда вужудга келган янги ҳунармандчилик ва савдо марказлари бевосита савдо-транзит алоқаларининг жадал ривожини заминидан тез суратлар билан ўсиб борганлиги ўз тасдиғини топади.

Сўғда ҳунармандчилик соҳалари ривожининг ўзига хос хусусиятларидан бири – маҳаллий хом ашё манбаларига эга бўлган кончилик ишининг тараққий этишидир. XX асрнинг 20-30-йилларида кончилик тарихига доир ўрта аср манбаларини тўплаш, таҳлил этиш ҳамда мавжуд тарихий даврларга оид топилмалар билан қиёсий таҳлил этиш асосидаги М.Е. Массон томонидан чиқарилган хулосалар Ўрта Осиё, шу жумладан, Сўғда кончилик тарихини ўрганиш борасидаги изчил тадқиқотлар олиб борилишига замин яратди.

Археологик ҳамда геологик қидирув ишлари туфайли Сўғд ҳудудини ўраб турган Зарафшон, Ҳисор ва Нурота тоғларида қадимги даврлардан ўзлаштирилган кончилик излари мавжуд бўлганлиги аниқланган. Жумладан, XX асрнинг 50-йилларидаги геологик тадқиқотлар туфайли Зиёвуддин-Зирабулоқ тоғларида Карноб, Лапас, Чангалли, 1961-1975 йилларда Нурота тоғининг Сўғд ҳудуди қисмидаги, 1963-1966 йилларда Ҳисор тоғининг жануби-ғарбий тизимидаги, 80-йилларда Жанубий

Қизилқум худудларида, унчалик катта бўлмаган тоғ-тепаликлар (Қулжуктов, Аумингзатов, Томдитов, Етимтов)дан<sup>5</sup> кончиликнинг қадимги ва илк ўрта асрлар даври излари тадқиқ этилди.

Мустақиллик йилларида бу борадаги тадқиқотлар янги босқичга кўтарилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти ҳамда Германия Археология институти, Бохум (Германия) Кончилик музейи, Германия Кончилик академияси Археометаллургия институти билан ҳамкорликда ташкил этилган Ўзбек-Герман археологик экспедициясининг 1997-1999 йилларда олиб борган тадқиқотлари кончилик тарихи тўғрисида муҳим маълумотлар олиш имконини берди. Жумладан, Карноб чўли худудидаги қадимги мис конлари ҳамда рудани эритувчи қурилма ва қозоннинг ҳамда руда эритиш билан боғлиқ меҳнат қуролларининг топилиши<sup>2</sup> Сўғдда мазкур даврда тайёрланган хунармандчилик маҳсулотлари айнан маҳаллий хом ашё манбаларига эга бўлганлигини кўрсатади.

Мазкур даврдаги энг йирик кон мажмуалари Жанубий Сўғдда, Хисор тоғи руда маконларида ўзлаштирилади. Жумладан, Чўянли, Сулукўл, Оқсув тоғ-кон мажмуаларида, Калтақўл атрофидаги, қолаверса, тоғ ёнбағридан оқиб тушувчи сойлар қирғоқларида жойлашган кон қазишмалари жойларида олиб борилган геологик-археологик изланишлар туфайли қўлга киритилган ашёлар уларнинг аксар қисми илк ўрта асрлар даврида бу конлардан руда қазиб олинганлигини исботлайди. Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, Кеш тоғларида қазиб олинган хом ашё бирламчи ишлов берилган хом ашё (полуфабрикат) сифатида Сўғднинг кўпгина металлсозлик хунармандчилиги марказларига, шунингдек Панжикентга ҳам етказиб берилган.

---

<sup>2</sup> Холмўминов У.Р. Ўрта Осиёнинг тоғ-кон металлургияси тарихи // Ўрта Осиёда кон-металлургия тарихи...-Б.24-25.

Сўғд худудида қадимги даврлардан шаклланган кончилик Туркий хоқонлиги ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнг жадаллик билан ривож топди. Зеро, ёзма манбаларга кўра, “Туркутлар умумий тарих саҳнасида дастлаб темир ишлаб чиқариш касби билан кириб келдилар.., улар (туркутлар) Марказий Осиёда темирни саноат даражасида қазиб олувчи дастлабки халқ сифатида жаҳон тарихи саҳнасида пайдо бўлди. Шу боис, кўчманчилар ҳарбий тадбирлар муваффақиятини белгиловчи темир қуролларни олиб турадиган Хитой ва Тибетга нисбатан мустақиллик маъқеига эга бўлдилар”. Туркийларнинг қадимги макони Олтой худудида олиб борилган археологик тадқиқотлар ҳам бу маълумотларни тасдиқлайди<sup>1</sup>.

Туркий хоқонлиги ҳукмронлиги даврида Сўғддаги кончилик ва металлсозлик хўжалиги аҳволи хусусидаги маълумотларни Земарх бошчилигидаги хоқонликка ташриф буюрган Византия элчилиги тўғрисидаги Менандр хабарларида учратиш мумкин. Жумладан, элчилик ҳақида тўхталиб, Менандр қуйидагиларни келтириб ўтади: “..Тез орада улар (элчилар) Сўғдлар мамлакатига етиб келдилар.. Шу ерда (баъзи) турклар Земархга улардан темир сотиб олишларини таклиф қилдилар; менимча, улар бу ишни мамлакатларида темир конлари борлигини кўрсатиш мақсадида амалга оширдилар, (чунки) баъзи ҳолларда (уларнинг) мамлакатида темир (қазиб) олиш қийинлиги ҳақида гаплар юрарди. Шунини айтиш мумкинки, бу орқали улар римликларга ўзларининг ерида ушбу маъдан ишлаб чиқарилишини билдирмоқчи бўлганлар”<sup>2</sup>. Кончилик тарихига доир Хитой йилномаларида Сўғддан қазиб олинган ва империяга келтирилган олтин (хунармандчилик маҳсулотлари-А.А.), сердолик ва яшма тошлари, латун (мис ва қалай қотишмаси) ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

---

<sup>1</sup> Гумилев Л. Қадимги турклар..-С.74-75.

<sup>2</sup> Равшанов П. Кашкадарё тарихи. Тошкент, 1995.-Б. 197.



Манбалар, шунингдек Сўғддаги меъморчилик ҳамда кулолчилик хунармандчилиги учун зарур бўлган бошқа конлар хусусида ҳам маълумот беради. Жумладан, Ибн Ҳавқал маълумотларига кўра, “..Самарқанд шаҳри яқинидаги Кўҳак тоғидан шаҳар қурилиши учун тош, кулолчилик “нура” мойи ва шиша буюмлар учун гил тупроқ қазиб олинган. Менга маълум бўлишича, унинг таркибида кумуш ва олтин ҳам бўлиб, фақат уни қайта ишлаб олиш мумкин эмас”. Араб муаллифи томонидан келтирилган Конибил худуди Самарқанд шаҳрининг жануби-шарқида, Чўпонота тепалиги этагидаги гил кони бўлиб, у ердан милонинг бошларидан эътиборан гил тупроқ, оккум, соз тупроқ, қизил кесақ сариқ тупроқ ва кулолчиликда ишлатиладиган бошқа хил ашёлар<sup>1</sup> қазиб олинган. Бу хом ашёларнинг сифати юқорилиги ўша давр кўпгина манбаларида тилга олинган. Бу кондан олинган хом ашё шаҳар ва унинг атрофларидаги кулолчиликда кенг ишлатилган.

Бундай хом ашё манбалари Сўғднинг бошқа худудларида ҳам аниқланган. Хусусан, Жанубий Сўғднинг йирик сув манбалари – Қашқадраё ва Оқсув бўйларида ҳам юқори сифатли хом ашёлар мавжудлиги ҳамда ушбу хом ашё негизида мазкур даврда йирик марказларда кулоллар маҳалласи ривож топганлиги тадқиқ этилган. Бу худудлар меъморчилик хунармандчилиги учун зарур бўлган (гипс, алебастр ва ҳ.к) хом ашёлар етказиб берувчи маконлар сифатида ҳам муҳим бўлган.

Сўғднинг иқтисодиётида катта ўрин тутган Кешнинг машҳур қизил тўзи Шарқий ўлкаларда ҳам шуҳрат қозонган. Ҳатто Тохирий Абдуллоҳ ибн Тохир хазинасига тушадиган даромадлар орасида айнан Кеш тузларидан келадиган маблағ катта аҳамиятга эга бўлган. Олиб борилган тадқиқотларга кўра, Кеш тўзи конлари Хисор тоғи тизмасининг жануби-

---

<sup>1</sup> Отаҳўжаев А. Абу-л-Қосим ибн Ҳавқал Ўрта Осиё вилоятлари конлари ва қазилма бойликлари ҳақида // Ўрта Осиёда кон-металлургия тарихи..-Б.74.

ғарбий хуудларида аниқланган, конлар яқинида туз омборхонаси, шунингдек қазилма жойларидан қарийиб 1 км узоқликда илк ўрта асрлардан бошлаб гавжумлашган кончиларнинг Дунётепа қишлоғи колдиқлари тадқиқ этилган. Шунингдек Оқсув конлар мажмуида заргарлик хунармандчилигида муҳим бўлган симоб конлари излари ҳам мавжудлиги аниқланган бўлиб, у асосан Ширдоғ кон хуудидан қазиб олинган. Умуман олганда, кончилик мазкур даврда Сўғднинг барча фойдали қазилмалари мавжуд хуудларда кенг ривож топди ҳамда хунармандчилик марказларининг тараққий этишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қадимги даврлардан шаклланган бу хўжаликнинг тараққиёти ҳамда туркий қабилаларнинг соҳадаги тажрибалари ҳам бу жараёнда муҳим ўрин эгаллайди.

Юқорида тилга олинган маълумотлар таҳлили ва билдирилган фикрлар қуйидаги хулосалар чиқариш имконини беради. Биринчидан, илк ўрта асрлар арафасида Марказий Осиёда содир бўлган табиий жараёнлар туфайли вужудга келган ижтимоий-иқтисодий вазият Ўрта Осиёда йирик тарихий-демографик ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу эса кўчманчи аҳоли тоифаларининг ўтроқ турмуш тарзига ўтиши жараёнини тезлаштирди. Бу жараён узоқ давр, яъни, милодий IV аср ўрталаридан VII аср биринчи ярмига қадар давом этди. Қулай табиий-географик ўринни ишғол этганлиги сабабли Сўғд хуудида бу жараён кенг тус олди. Натижада деҳқончилик учун қулай бўлган Зарафшон ва Қашқадарё, шунингдек тоғ ёнбағри сув ҳавзалари аҳоли томонидан тез суратларда ўзлаштириб борилди.

Сўғд хуудида турли ёдгорликларнинг вужудга келиши ҳамда кенгайиб бориши хунармандчилик соҳаларининг кенг ёйилиши ва ишлаб чиқариш марказларининг ривож топиб боришига замин яратди. Хусусан, марказий шаҳарлар – Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб оралиғида, шунингдек Амударё кечувларида жойлашган Фороб, Карки, Калифга

кадар ҳамда Уструшона чегараларидан Темир Дарвозагача бўлган худудларда илк ўрта аср хунармандчилик ва савдо марказлари, кўрғон ва қишлоқ манзиллари тармоғи шаклланади. Хунармандчилик соҳалари ривожда муҳим ҳисобланган янги ерлар ўзлаштирилиши омилларини ўз навбатида икки гуруҳга ажратишимиз мумкин. Биринчиси, ёдгорликларнинг Сўғд худудидан ўтган савдо-транзит йўллари билан узвий боғлиқ равишда шаклланган тизими. Иккинчиси, савдо-транзит йўллари фаолияти билан узвий боғлиқ бўлмаган ёдгорликлар тизими.

Иккинчидан, Сўғд худудида ишлаб чиқариш хўжалиги тараққиётида муҳим бўлган фойдали қазилмаларнинг мавжудлиги ҳамда уларни ўзлаштиришда катта тажрибанинг тўпланганлиги хунармандчилик ривожда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Туркий хоқонлиги даврида қончиликда эришилган ютуқлар металлга ишлов бериш (металлсозлик) хунармандчилигининг юксалиб боришига замин яратди. Дехқончилик ва қончиликдаги тараққиёт кўлами ва сифати ўз-ўзидан кейинги уч тармоқ: хунармандчилик меъморчилик ва савдо-сотик равнақи учун катта туртки бўлди.

Учинчидан, халқаро савдо-транзит йўли тармоқлари орқали олиб борилган ўзаро савдо алоқаларида Сўғд савдогарларининг фаол иштироки маҳаллий хунармандчилик соҳаларини кўшни ва олис мамлакатларда эришилган янги ютуқлар, услуб ва усуллар билан бойитиб бориш ҳамда янги соҳаларнинг вужудга келишини таъминлади.

Мовароуннаҳр худудида узоқ йиллар мобайнида изчил олиб борилган ҳамда бугунги кунда ҳам давом этаётган археологик изланишлар, соҳага доир амалга оширилган манбашунослик этнографик геологик тадқиқотлар таҳлили илк ўрта асрлар даври хунармандчилик соҳалари таснифини тўзиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Олиб борилган таҳлиллар асосида хунармандчилик соҳаларининг қуйидаги таснифини ажратиш мумкин:

1. Кундалик ҳамда хўжалик маҳсулотлари ҳунармандчилиги – меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, ошхона анжом(инвентар)лари: кулолчилик ва металлсозлик;

2. Тўқимачилик маҳсулотлари ҳунармандчилиги - либослар (кундалик тўй-ҳашамлар ва турли диний маросимларда фойдаланиш учун матолар) ҳамда кўнчилик маҳсулотлари, гиламлар ишлаб чиқариш;

3. Заргарлик буюмлари - аҳоли қатламлари табақалашувини ифода этувчи қимматбаҳо ҳамда оддий хом ашёдан турли хилдаги тақинчоқлар ясаш;

4. Бадиий безак ҳунармандчилиги - турли соҳа(кончилик металлсозлик тўқимачилик заргарлик) маҳсулотларига бадиий зеб бериш, бунда маҳсулотлар асосан четга чиқариш, совға-салом ёки совға тарзидаги муайян бож(ўлпон)ни тўлаш мақсадларида тайёрланган.

5. Қурилиш ашёлари ҳунармандчилиги - шаҳарсозлик маданияти ривожини учун зарур бўлган турли безакли-рангдор маҳсулотлар ва устунлар тайёрлаш;

6. Қуролсозлик ҳунармандчилиги.

### **III-Боб: Мавзуни ўқувчиларга ургатишда "Блиц сўраб билиш" танқидий тафаккур ва "Тест" усули технологияларидан фойдаланиш**

-Мустақиллигимиз туфайли ҳозирги кунда кўплаб ёшларимиз чет эл илмий даргоҳларида тахсил олмоқдалар.

-Ўқитишнинг янги услубияти ҳозирги кунда ташқи дунёнинг кўпгина мамлакатларида амалга оширилган. Янги ўқув технологияси ўқувчиларнинг ўзлаштириши учун қулай ҳамда тест топшириши, талабаларни ҳозиржавобликка ва тез фарқлаб олишга ундайди. Янги педогогик технология услубияти ҳозирги кунда мактаблар, лийей ва коллежда кенг фойдаланилмоқда. Унга кўра ўқувчилар асосан ўз устида ишлаб назорат топшириқларини мустақил бажаришлари талаб этилади.

-Мен уз Малакавий-Битирув ишимда мавзуни ўқувчиларга етказиб беришда қуйидаги режани танладим:

#### **Танқидий тафаккур**

Ушбу услубда ўқувчи қўйилган масала ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён қилиш, узгалар фикрини танқидий қайта идрок этиш, ўз нуқтаи-назарини асослаб бериш имкониятига эга бўлишга асослангандир.

#### **"Танқидий тафаккурни" ўқитиш услуби.**

1. Ўқувчиларга мулоҳаза учун муаммоли масала қўйилади ва қуйидаги саволлар ташланади:

-Нима деб ўйлайсиз?

-Сизнинг фикрингиз қанақа?

-Айтилаётган фикрларга муносабатингиз қандай?

2. Ўқувчига ўз нуқтаи-назарини, фикрини ишлаб чиқиш учун вақт берилади.

3. Ўқувчи ўз фикрини асослайди, бунда унинг нуқтаи-назарини аниқлаб олиш учун қуйидаги саволлар берилади: -Сиз нимага асосланиб бундай хулосага келдингиз?

4. Ўқитувчи шу масала юзасидан бошқа фикрда бўлган ўқувчиларга:

-Кимда бошқа фикр бор? -деб савол беради.

5. Ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда барча нуқтаи-назарларни муҳокама этиб таҳлил қилади.

6. Муаммоли топшириқ, чалкаш масалалар бўйича қабул қилинган қарорларга, ўқувчилар томонидан ўз нуқтаи-назарини қабул қилиш ёки баҳолаш билан эришилади.

### **Тест.**

Яна бир янги педагогик технология усулларида бири-тест усулидир. Бунда тестни ахборот технологияларидан фойдаланиб жорий қилиш мумкин. Дарсларда ўтган мавзунини ўқувчилардан сўраб баҳолаш дарсларда ва умумлаштириш дарсларида компьютер орқали тестлар берилди. Ўқувчилар тест жавобларини аниқлаб, ўз билимларини текширдилар. Бундай тестларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. Масалан: "Сомонийлар давлати " мавзусига:

#### **1.Сомонийлар давлатига ким бошчилик қилади?**

А.Кух, сўнгра Аҳмад бошчилик қилади.

Б. Наср ибн Аҳмад бошчилик қилади.

В. Бухоро ноиб Исмоил бошчилик қилади.

Г.Тўғри жавоб йўқ.

Шу каби тест саволларини ўқувчиларга кўплаб беришимиз мумкин. Тестларни ўқувчиларни ёш даражасига мўлжаллаб ўқитувчи ишлаб чиқади. Билимларни ўзлаштириш, мавзунини тўғри англашда тестларнинг аҳамияти каттадир.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, тарихни ўқитишда янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш жуда яхши самара беради. Ўқувчилар бизнинг фикримизга тестлар орқали таянч билимларга эга бўладилар. Уларга замон талаблари ва Давлат таълим стандартлари даражасида билим бериш, тарихий билимлар билан қуроллантириш зарур. Дарсларни янгича ташкил этиш ва ижодий ёндашилса дарс самарадорлиги ошади. Янги усул ва методлар ўқувчиларни дарсга қизиқишини орттиради. Тест саволларини тузишда ўқитувчилар кўпроқ миллий ғоя ва мафкурага тарбиявий томонларга ҳам эътибор бериш лозим.

## Хулоса

IX—XII асрларда аҳолининг хўжалик ҳаётида ҳунармандчилик катта ўрин тутди. Мовароуннаҳр ва Хоразм шаҳарларида тўқимачилик кулолчилик дегрезлик чилангарлик заргарлик шишагарлик ва дурадгорлик каби касб-ҳунарлар анча ривож топади. Натижада шаҳарларнинг умумий қиёфаси тубдан ўзгаради. Унда катта-катта олий иморатлар, устахоналар, масжид, мадраса, мақбара, намозгоҳ, хонақоҳ ва карвонсаройлар қад кўтаради. Эндиликда шаҳарлар илк ўрта асрларда арк (ўрда), шаҳристон (ички шаҳар) ва работ (ташқи шаҳар) деб юритилган уч қисмини ягона девор билан камраб олган, ўндан ортиқ дарвозали каттагина ҳунармандчилик марказига айланади. Шаҳарнинг дўнглик ерида жойлашган аркда одатдагидек подшоҳнинг қароргоҳи — олий даргоҳ, хазина, чақа-тангалар ишлаб чиқиладиган зарбхона ва қамоқхона бўларди. Унинг марказида Регистон майдони, девонлар маҳкама саройи, шунингдек амирзодалар, сарой аъёнлари, руҳонийлар, мулкдор деҳқонзодалар ва давлатманд савдогарларнинг ҳашаматли қасрлари, подшоҳликнинг курул-яроғ, асбоб, эгар-жабдуқ ясайдиган устахоналари, ҳунармандчилик дўконлари ва савдо расталари жойлашган эди. Бу даврда шаҳарга атроф қишлоқлардан қосиблар, савдогарлар ва бошқалар келиб ўрнашиб, унинг гирди бўйлаб қосиб ва ҳунармандларнинг янги-янги маҳалла-қуйлари, бозор ва расталар пайдо бўлади. Маҳалла-қуйларда заргарлар, саррофлар, тўқувчилар, кулоллар, мисгарлар, темирчилар, дурадгорлар ва бошқа шу сингари қосибу ҳунармандларнинг уй-жойлари ва дўконлари бўларди. Айти даврда Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв, Шош, Кеш, Аксикат каби шаҳарлар ўрта аср ҳунармандчилигининг ривож топган йирик марказига айланади.

Наршахийнинг ёзишича, IX асрда Бухорода арк билан Шаҳристон оралиғида подшоҳликнинг «байт ут-тироз» номи билан шуҳрат топган катта тўқимачилик қорхонаси бўлган. Унда оқ, қизил, яшил ва қўнғир



тусли матолар, палослар, зарпардалар, ёстик жилдлари, жойнамозлар, уст кийимликлар тўқиларди. Халифаю подшолар, амирлару раислардан тортиб деярли ҳамма амалдорларгача шу корхонада тўқилган матолардан кийинар эди.

Бу даврда Самарқанд ҳам хунармандчилик ва савдонинг йирик марказларидан эди. Унда айниқса мисгарлик заргарлик ва саррожлик ривожланган. Бу ерда кумуш тусли сингин, қизил рангли мамаражил, синизи деб аталган матолар, кимхоб, шойи ва румоллар тўққилар эди. Самарқандда айниқса юқори навли қоғоз ишлаб чиқарилар эди. Шош ўзининг кунчилик маҳсулотлари ва чарм моллари билан, Илоқ эса кумуш ва кўрғошин конлари ҳамда кумуш танга чиқарадиган зарбхонаси билан машхур эди. Мовароуннахрнинг хўжалик ҳаётида Хоразм ҳам катта роль уйнайди. Бу ерда хунармандчиликнинг кўпгина соҳалари билан бир қаторда Мовароуннахр учун жуда нодир ҳисобланган қайиқсозлик таракқий қилади. Хоразм ва Термизда ясалган қайиқлар Амударё бўйлаб то Хоразм денгизигача муттасил мол ташиб, савдогарларнинг юкини енгил, узоғини яқин қиларди.

Бу даврда шаҳарлар билан бир қаторда қишлоқлар ҳам мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида катта роль уйнай бошлайди. Мовароуннахр ва Хоразм воҳаларида, кўпгина йирик қишлоқларда тўқимачилиқ мисгарлик дурадгорлик каби хунармандчиликнинг бир қанча соҳалари юксалади. Бухоронинг Зандана қишлоғида тўқилган малла ранг бўз «занданача», Самарқанднинг Вадор қишлоғида тайёрланган мато «вадорий» номлари билан Шарқда машхур эди. Тўқималари ниҳоятда пишиқ, сарғиш тусдаги сидирға вадорий номли майин мато зодагон табақа вакиллари учун жуда манзур бўлган. Вадорий матодан тикилган кийимларни Хуросонда амирлар, вазирлар ва қозилар киярдилар. Вадорий кўйлакнинг бахҳои икки динордан ўн диноргача борарди.

IX—XII асрларда Мовароуннахр ва Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарларида айниқса кулолчилик ва шишагарлик авж олган эди. Бу даврда ясалган хилма-хил сирли ва нақшинкор сопол идишлар, рангли шиша буюмлар жуда сифатли бўлган.

Мовароуннахрнинг тоши минтақаларида қадимдан давом қилиб келаётган кончилик IX—XII асрларда ниҳоят даражада тараққий қилади. Шош вилояти, Фарғона водийси, Нурота, Усрушона, Хўжанд ва Зарафшон тоғларидан темир, мис, кўрғошин, олтин, кумуш, феруза ва бошқа қимматбаҳо тошлар қазиб олинарди. Элоқ вилояти кумуш ва кўрғошин олинадиган йирик марказлардан бири эди. Ундаги Қорамозор тоғидан бу икки тур маъдандан ташқари олтин, мис, темир ва феруза қазиб олинарди. Фарғона водийси тоғлари, айниқса, фойдали қазилма бойликларга бой эди. Ундан темир, кўрғошин, кумуш, симоб, мис, калай, феруза, навшадил қазиб чиқариларди. Хатто Фарғонадан ўша вақтлардаёқ тошкўмир ва нефть топилиб ишлатиларди. IX—XII асрларда нефтдан кўпроқ ҳарбий юришларда фойдаланилган. Қўшинда махсус «нафтандоз», яъни «нефть отувчи»лар бўларди. Нефть тўлдирилган пиликли кўзачаларга ўт ёқиб, душман қалъасига отилган.

Бу даврда ҳам Бадахшон тоғлари ўзининг лаъли ва ложувард конлари билан машхур эди. Кончилик ва охангарлик давлат тасарруфида бўлиб, кончилик ўз замонида кўп жиҳатдан анча-мунча такомиллашган эди. Қазилма бойликлар очик майдондаги ҳамда бир неча юз метрли чуқурликдаги ер ости конларидан қазиб олинарди. Конларнинг ниҳоятда чуқур кудуқлари, ҳар томонга йўналган, баланд-паст лагмларини мустаҳкамлаш, шамоллатиш ва кон ичида тўпланадиган сизотларни ташқарига чиқариб ташловчи мослама ва иншоотлар ўрнатилад эди. Қазилган рудалар сихғалтаклар воситасида юқорига чиқарилад эди. Конларнинг яқинида рудаларни эритиб, маъдан олувчи охангарлар ва кончиларнинг қишлоқлари бўларди. Кон қазииш ишларига асосан қуллар,

махбуслар ва қишлоқ жамоалари сафарбар этиларди. Кончиларнинг меҳнати ниҳоятда машаққатли ва хавфли, маишати эса ута ёмон эди. Улар тоетар остидаги чуқур ва қоронғу конларда қорачироқ шуъласида турли хил маъданлар рудасини казир эдилар. Кончиларнинг бу оғир шароитда ер қаърида халок бўлиши учун ҳеч ким қайғурмас эди. Қадмги конларда ўтказилган археологик тадқиқотлар жараёнида IX—XII асрнинг қорачироқлари, болға, болта, чўмич, қозон ва бошқа буюмлар ҳамда топилмалар ёнгинасида одам скелетларининг учраши бунинг ёрқин далилидир.

IX—XII асрларда мамлакатда, бир томондан, дехқончилик иккинчи томондан, ҳунармандчиликнинг ривож топиши, шубҳасиз, ўз навбатида ички ва ташқи савдонинг кенгайишига олиб келади. Бу даврда Олд Осиёни Муғулистон ва Хитой билан туташтирган қадимги карвон йўли орқали олиб борилган ташқи савдо алоқалари, айниқса гавжумлашиб кетади. Бағдод шаҳридан бошланган катга карвон йўли Ҳамадон, Нишопур, Марв, Омул, Бухоро, Самарқанд, Шош, Тароз, Қулон, Марке, Боласоғун, Суёб, Иссиққўлнинг жанубий соҳили орқали ўтиб, Шарқий Туркистонга ва ундан Хитойга кириб борар эди. Бу йўлнинг Фарғона орқали ўтган жанубий, уғузлар ёки Дашти Кипчоқ орқали Жанубий Сибирга йўналган шимолий ҳамда Хоразм орқали Волга дарёси бўйлаб Хазар ва Булғор давлатларига элтадиган шимоли-ғарбий тармоқлари, айниқса, серқатнов бўлган.

Карвонларни сув ва қўноқлар билан таъминлаб, узоқ ва машаққатли йўл азобини маълум даражада енгиллаштириш учун даштларда қудуқлар қазилиб, ҳар бир бекатда работлар бино қилинади. Карвонлар ўтадиган шаҳар ва қишлоқларда карвонсаройлар қурилади. Уларда савдогарлару сарбонлар ва уларнинг ҳамроҳ ходимларию сайёҳлар учун хужралар, моллари учун омборхоналар, туялар, отлар, ҳачирлар ва эшаклар учун оғилхоналар бўларди, уларда зарур ем-хашаклар ва озиқ-овқатлар

сақланарди. Карвонлар ҳузурида кўпинча таржимонлар хизмат қиларди. Йўлдаги қароқчилардан карвонни муҳофаза қилиш учун баъзан хатарли жойларда уни қуролланган ҳарбий аскарлар кўриқлаб борарди.

Х асрда ташқи савдо муомаласида саррофлик чекларидан кенг фойдаланилар эди. Ўша вақтда савдогарлар ўзи билан кўп миқдорда пул олиб юрмас эди. Ўз пулини у шаҳарнинг инобатли саррофларидан бирига топшириб, ундан тегишли хужжат — чек оларди. Мўлжалланган шаҳарга бориш билан шу чекни саррофга бериб, унда кўрсатилган миқдордаги пулни тулалигича қайтариб олиши мумкин эди. Хатто чек сўзининг ўзи ҳам форсча ибора бўлиб, ўша вақтда ҳам бу сўз айна шу маънода ишлатилар эди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т., “Маънавият”, 2008, 173-бет.
2. Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Т., “Шарқ”, 1998.
3. Каримов И.А. “Ватан саждагоҳ каби муқаддас”. Т., “Ўзбекистон”, 1995, 176-бет.
4. А.Мухаммаджонов. “Ўзбекистон тарихи”. Т., Ғ.Ғулом, 2004, 318-бет.
5. А.Мухаммаджонов. “Ўзбекистон тарихи”. Дарслик. 6-синф. Т., “Ўқитувчи”, 1994, 320-бет.
6. Аҳмадали Асқаров. “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи”. Т., “Университет”, 2007, 339-бет.
7. Баҳодир Эшов. “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи”. Т., “Маърифат”, 2009, 268-бет.
8. Карим Шониёзов. “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни”. Т., “Шарқ”, 2001, 462-бет.
9. Карим Шониёзов. “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни”. Т., “Шарқ”, 2001
10. Наршахий. “Бухоро тарихи”. Т., “Камалак”, 1991, 335-бет.
11. Н.Жўраев, Т.Файзуллаев. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т., “Шарқ”, 2000
12. Р.Ҳ.Муртазаева. “Ўзбекистон тарихи”. Т., “ЎАЖБНТ”, 2003, 675-бет.
13. Р.Шамсутдинов, Ш.Каримов. “Ватан тарихи”. 1-қисм. Т., “Шарқ”, 2010, 511-бет.
14. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 8-том. Т., Давлат илмий нашриёти. 2004, 703-бет.
15. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12-том. Т., Давлат илмий нашриёти. 2006, 707-бет.
16. Г.А.Хидоятлов. “Менин жонажон тарихим”. Т., “Ўқитувчи”, 1992, 303-бет.
17. А.Мухаммаджонов. “Ўзбекистон тарихи”. Дарслик. 7-синф. Т., “А.Қодирий номидаги халқ мероси”, 2004, 287-бет.
18. Абдуқаюмов С.Р. Суғднинг илк ўрта асрлар даври хунармандчилиги ва савдо-иқтисодий алоқалари. Тарих фанлари номзоди даражасини олиш учун ёзилган автореферат. Т., 2010.
19. Махмудов Бехзод Хамидович. Қорахонийлар давлатчилиги тизимининг хусусиятлари. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т., 2010. 26-бет.

## Мундарижа

Кириш.....

### **I-БОБ: Мовароуннаҳрда IX-XII асрлардаги сиёсий жараёнлар ва унинг ҳунармандчилик ривожига таъсири.**

1.1.Сомонийлар давлати давридаги асосий ҳунармандчилик шаҳарлари.....

1.2.Қорахонийлар даврида Мовароуннаҳрда ҳунармандчилик ва савдо-сотикнинг ривожланиши.....

### **II-БОБ: IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда ҳунармандчиликнинг асосий турлари ва ривожланиш омиллари.**

2.1.IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда ҳунармандчиликнинг асосий турлари.....

2.2.IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда ҳунармандчиликнинг ривожланишидаги асосий омиллар.....

**III-Боб: Мавзуни ўқувчиларга ургатишда "Блиц сўраб билиш" танқидий тафаккур ва "Тест" усули технологияларидан фойдаланиш.....**

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....